Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 104 (20. 671) • 1990 йил 6 май, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

«Правда» газетаси фестивали қатнашчилари ва меҳмонларига

КПСС XXVIII съезди йўлидаги муҳим сиёсий воқеа — «Правда»нинг биринчи фестивали очилган кун билан сизларни самимий табриклайман.

В. И. Ленин асос солган газета партия, халқимиз билан биргаликда ютуқлар ва маҳрумликларнинг қийин йўлини босиб ўтди. «Правда» жамиятни қайта қуриш ва янгилаш, сиёсий турмушда ошкоралик ва демократияни қарор топтириш, совет халқининг улкан ақлзаковат ва меҳнат имкониятларини маъмурий-буйруқбозлик системаси исканжасидан халос қилиш ишига фаол қўшилди.

Ҳозирги вақтда Коммунистик партия ва жамиятни янгилаш, қайта қуриш ғоялари, инсонпарвар, демократик социализм принциплари тантанаси йўлида мамлакатдаги барча соғлом кучларни жипслаштириш газетанинг асосий мавзусидир. Партия қайта қуришга содиқлигини, у ўзини янгилаб, мамлакатнинг барча гражданларига муносиб, ижтимоий жиҳатдан таъминланган ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ҳаётни таъмин этишга интилаётганлигини одамлар билишлари лозим.

Матбуотнинг, партиявий журналистларнинг бурчи — сийқа андозалардан қатъиян воз кечиб, одамлар билан ошкора, ҳалол мулоқот олиб боришдан, уларнинг ҳаётий эҳтиёжлари ва қувончларига ўз фикрини билдириб, қайта қуриш коллектив ишида ўз жойини топишда фаол ёрдам беришдан иборат. Қандай бўлишидан қатъи назар, фақат ҳақиқат газета ёки журнал обрўсининг ишончли негизи, уларнинг чинакам оммавийлиги ва ижтимоий онгга таъсир ўтказиш шарти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Журналистларнинг бундай иши совет кишиларининг қалбига етиб боради, деб ишонаман.

«Правда» фестивали оммавий халқ байрами, газетанинг, бутун партия матбуотининг КПСС XXVIII съездига тайёргарлик давридаги иши тўғрисида газетхонлар билан батафсил кенгаши бўлиб қолсин.

М. ГОРБАЧЕВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида КПСС XXVIII съездига тайёргарлик билан боғлиқ барча масалалар мажмуини кўриб чиқди. Бу иш ҳал қилувчи босқичга қадам қўяётганлиги таъкидлаб ўтилди. Унга бутун партия фаол қўшилмоқда. Партия ташкилотлари съездга делегатлар сайлашга муҳим аҳамият бермоқдалар, мутлақ кўпчилик партия ташкилотларида делегатлар бир мандатли ва кўп мандатли округлардан муқобил асосда сайланмоқда. Ҳар бир делегат мандати учун ўртача 4-5 номзод кўрсатилган. Ҳозиргача съездга 200 дан кўпроқ делегат сайланди. Сиёсий бюро съездга ишчилар ва деҳқонлардан делегатлар сайлашга доир ишларни партия ташкилотлари тағин ҳам қатъият билан олиб боришлари зарур деб ҳисоблади.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари юзасидан партияда кенг мунозара бораётганлигини таъкидлаб, съездолди ҳужжатларини муфассал ишлаб чиқишда фикрларнинг ғоят хилма-хиллиги ҳисобга олиниши ва умумлаштирилиши, улардан фойдаланилиши муҳимлигини таъкидлаб ўтди. КПСС Марказий Комитети съездга тайёргарлик комиссиясини тузди, унга партия ташкилотларининг вакиллари киритилди. Комиссия аъзоларининг бир қисми ҳозирданоқ эълон қилинган ҳужжатлар хусусида тушган мулоҳазаларни кўриб чиқишга киришди. Марказий Комитет Сиёсий бюроси съезднинг асосий ҳужжатлари ва резолюциялари лойиҳаларини умумпартия мунозарасини ҳисобга олиб ишлаб чиқиш учун комиссия аъзоларидан бир қанча гуруҳлар тузди, уларга бошчилик қилиш Сиёсий бюро аъзолари ва аъзоликка номзодларга, Марказий Комитет секретарларига топширилди. Ана шу гуруҳларнинг таркибини янгилаш ва тўлдириш, КПСС XXVIII съезди делегатларини жалб этиш ҳисобига янги гуруҳлар тузиш кўзда тутилмоқда.

Мажлисда Россия партия конференциясига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Россия бюросига конференция кўриб чиқиши учун КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳалари тўғрисидаги, Россия Коммунистик партиясини тузиш ҳақидаги масалаларни киритишни тавсия этишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон шаҳрида 1990 йил 2 май куни бўлиб ўтган тартибсизликларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиш юзасидан комиссия тузди.

Комиссия раиси — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов.

Комиссия раисининг ўринбосари — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков.

Комиссия секретари — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бўлим мудири В. И. Гугнин.

Комиссия составига партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари киритилди.

Комиссияга Андижон шаҳридаги вазиятни барқарорлаштириш, тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва қатнашчиларини қидириб топиш, аниқлаш ва жавобгарликка тортиш юзасидан зудлик билан чоралар кўриш, областдаги маънавий-руҳий иқлимнинг ҳолатини, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўрганиш, тегишли таклифлар киритиш топширилди.

Эртага—Радио куни, барча алоқа тармоқлари ходимлари байрами

Суратларда: 1. Янги кўрсатув олдидан. Телеоператор Шариф Қодиров ва унинг ҳамкасблари — Марат Муслимов, Аваз Боқиев, Акмал Сулаймонов. 2. Эл севган, халқ ҳурматини қозонган тележурналистлар — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Урол Утаев ва Дадахон Ёқубовлар. 3. «Ёшлик» радиостанциясининг «Камалак» мусиқий-ахборот программаси мингларнинг тингловчиларининг севимли эшиттиришига айланган. Ана шу программани тайёрлашда иштирок этаётган монтажчи, овоз оператори Апипа Тожиева, редакциянинг катта редактори Баҳром Аҳмедов ва режиссёр Воҳиджон Дўстмуҳамедов.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ҚАЙТА ҚУРИШ ЖЎРОВОЗЛАРИ

Тошкентдан гапирамиз! Бу сўзлар минглаб, миллионлаб кишилар қалбига жо бўлган. Ҳар тонгда жаранглайдиган бу сўзлар янги меҳнат, ижод, порлоқ истиқболга умид куни тонги отаётганидан хабар беради.

Тошкентдан гапирамиз! Эрта тонгда янграган ана шу иккита сўз ҳаётнинг давомийлигини, истиқбол сари янги қадам ташлаётганлигимизни ифода этади. Унда қайта қуришнинг тарихий қадамларини ҳис қиламиз.

Ўзида бир неча минг кишилик фидойиларни бирлаштирган жумҳуриятимиз радио ва телевидениеси бугунги кунда чин маънода қайта қуришга жўровоз бўлган янгилик жарчиси. Радио ва алоқа ходимлари куни муносабати билан жумҳурият радиоэшиттириш бош дирекцияси бош директорининг ўринбосари **Саидмурод ТИЛЛАХЎЖАЕВ** билан ана шулар ҳақида фикрлашдик.

— Тингловчиларнинг савияси ошиб бормоқда, — дейди Саидмурод ака. — Энди улар олдингидек қуруқ гапларни ёқтиришмайди. Ҳаёт ҳақиқатини, воқеликни бузмасдан ўз ҳолича ифодалашни, халқ тилида гапиришимизни хоҳлашади. Кўпмиллатли жумҳуриятда барча миллатга мансуб бўлган халқларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш, уларга ўз вақтида янгиликларни етказиш учун ҳозирги даврнинг талабларини ҳар жиҳатдан ўрганаяпмиз. Зеро, қайта қуриш, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ҳар бир кишидан, айниқса мафкуравий иш фаолларидан ўз устида ишлашни тақозо этади.

— Саидмурод ака, бинога кириб келишим билан кўзим байрамона безатилган фойеларга тушди. Ҳар хил диаграммалар, ер шаридаги бир қанча мамлакатларга ўзбек радиосининг овози етиб бораётганлигини кўрсатувчи хариталар осиб қўйилган.

— Ҳа, эшиттиришларимиз ҳам ҳажман, ҳам мазмунан ошиб бормоқда. Жумладан, аввалги йиллари ўзбек радиоси суткасига 33 соат эшиттириш берарди. Ҳозир 37 соатга етди. Жами эшиттиришларнинг 77 фоизи ўзбек тилида олиб борилади. Улар асосан биринчи, иккинчи программа ва Тошкент тармоғи орқали ҳаво мавжларига чиқарилади. Ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қрим татар, уйғур тилларида эшиттиришлар тайёрлайдиган алоҳида редакциялар мавжуд. Қозон татарлари учун концерт программалари бериб борилади.

Чет элдаги ватандошларимиз учун эшиттиришлар хусусида шуларни қўшимча қилишим мумкин. Ҳорижий ўзбеклар ва бошқа халқлар учун жами 10 соат мобайнида 8 тилда эшиттиришлар берилади. Жумладан, инглиз, ҳинд, урду, форс, дари, араб, ўзбек ва уйғур тилларида.

Жумҳуриятимизда содир бўлаётган янгиликлар, қайта қуришнинг одимлари, халқимизнинг социал-иқтисодий ҳамда маданий турмушидаги ютуқлар билан чет эллик тингловчиларимизни мунтазам таништириб борамиз.

Бугунги кунда нафақат Тошкент телевидениеси ва жумҳурият радиоси, балки унинг ажралмас қисми бўлиб қолган барча вилоятлардаги радиоэшиттиришлар редакциялари, Урганч ва Нукусдаги телевидение студиялари бир маромда ишлаб, жумҳурият аҳли мафкуравий талабини қондириш ва уларни қайта қуришнинг олдинги сафларида бўлишга даъват этишнинг ғоят қудратли қуролига айланган.

— Радио ва телевидение фаолиятининг кўлами ва самарасини белгилаб берувчи яна бир мезон меҳнаткашлардан келаётган мактублардир, — дейди ёш, иқтидорли журналист Ақида Абдураҳимова, — Ўтган йили эшиттиришларимиз юзасидан бир неча минглаб хатлар олдик. Уларда ижодий ишларимиздаги ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам баён этилган. Умуман тингловчилар билан мустаҳкам алоқа ўз ишимизни тобора яхшилашимизнинг, даврга мос янги-янги эшиттиришлар туркумини ташкил қилишнинг самарали ва ишончли йўлидир.

Республика радиоси коллективининг бир қисмини техник ходимлар ташкил этади. Одатда биз байрам кунларида нуқул радиожурналистлар хусусида гапирамиз-у эшиттиришларнинг сифатли, тингловчига аниқ ва шовқинсиз етиб бориши учун инженер-техник ходимларнинг кўрсатаётган жонбозлигини унутамиз.

— Эшиттиришларнинг бадиий савияси журналистларга, мусиқа жиҳатлари режиссёрларга боғлиқ бўлса, уларнинг ҳар икки ютуғини магнит лентасига сифатли тушириб, уни тингловчи қўлоғига ҳар қандай шовқинлардан ҳоли ҳолда етказиб бериш биз — операторларга боғлиқ, — дейди овоз оператори Озода Шермуҳамедова. — Овоз ёзиш студиялари мураккаб аппаратлардан ва техник жиҳозлардан иборат. Уларнинг тозалигини, овоз ёзиш учун тайёрлигини ҳамда бир меъёрда ишлашини кузатиб боришимиз керак. Акс ҳолда иш чигаллашади. Эшиттиришлар сифатсиз бўлиб қолади. Техник хато туфайли ҳар қандай энг яхши эшиттиришнинг таъсир кучини сусайтириб юбориш ҳеч гап эмас.

Ўзбекистон радиоси жойлашган бинога назарингиз ҳеч тушганми? Унинг остонаси доим одамлар билан гавжум. Ичқарига кирсангиз хоналар гавжум. Студияларда ҳар хил мусиқа оҳанглари, таниш актёрларнинг товушлари эшитилади. Дикторларнинг қандайдир эшиттириш матнини назардан ўтказаётганликлари гувоҳи бўласиз. У ерда чинакам ижодий ҳаёт қайнайди.

Н. ЖУРАЕВ.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг СССР ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНИ

Совет давлати СССР гражданларининг давлат ва жамоат турмуши турли соҳаларида СССР халқлари тилларидан фойдаланишлари учун шарт-шароитни таъминлайди, бу тилларни қайтадан тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади. СССР гражданлари тилга халқнинг маънавий мулки сифатида авайлаб муносабатда бўлишлари, она тилини ҳар томонлама ривожлантиришлари, СССРдаги бошқа халқларнинг тилларини ҳурмат қилишлари лозим.

Ушбу Қонун СССРда тилга доир сиёсатнинг умумий принципларини, СССР халқлари тилларининг эркин ривожланиши ва улардан эркин фойдаланиш кафолатларини, совет федерацияси доирасидаги ўзаро расмий муносабатларда тилнинг ҳуқуқий режимини, гражданларнинг СССР халқлари тилларидан фойдаланиш ҳуқуқларини белгилаб беради.

Ушбу Қонун ўзаро норасмий шахсий муносабатларда СССР халқлари тилларидан фойдаланишни тартибга солмайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. СССР халқлари тилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги СССР қонунлари

СССР халқлари тилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги СССР қонунлари ушбу Қонундан ва унга мувофиқ равишда чиқариладиган ССР Иттифоқининг бошқа қонун ҳужжатларидан, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг СССР халқлари тилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

2-модда. ССР Иттифоқи, иттифоқдош, автоном республикаларнинг СССР халқлари тилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги қонунлар соҳасидаги ваколатлари

СССР халқлари тилларини ривожлатириш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги қонунлар соҳасида қуйидагилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари сифатида ССР Иттифоқи ихтиёридадир:

СССР халқлари тилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги қонунларнинг принциплари ва умумий қоидаларини белгилаб қўйиш;

умумиттифоқ алоқа эҳтиёжларидан келиб чиқиб, СССР территориясида умумий бўлган тилнинг ҳуқуқий мақомини ва қўлланиш соҳасини белгилаб бериш.

Иттифоқдош, автоном республикалар ўз территорияларида тилларни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ССР Иттифоқи ваколатлари доирасига кирмайдиган масалаларни шу территорияда яшовчи халқларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, мустақил ҳал қиладилар.

3-модда. Автоном областлар, автоном округлар, миллий маъмурий-территориал бирликлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари

Автоном областлар, автоном округлар, миллий маъмурий-территориал бирликлар давлат ҳокимият ва бошқаруви органлари СССРда амал қилувчи қонунларни ҳисобга олиб, ўз территорияларида яшовчи СССР халқлари тилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш масалаларини мустақил ҳал этишга ваколатлидирлар.

4-модда. Тилларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш

Иттифоқдош, автоном республикалар республика тиллари ҳуқуқий мақомини белгилашга, жумладан уларга давлат тили мақомини беришга ҳақлидирлар.

Тарихий таркиб топган шарт-шароитларни ҳисобга олиб ва умумиттифоқ вазифаларини таъминлаш мақсадида СССР территорияси да рус тили СССРнинг расмий тили деб тан олинади ва ундан миллатлараро алоқа воситаси сифатида фойдаланилади.

Тилларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш чоғида СССР гражданларининг давлат ва ижтимоий турмушнинг турли соҳаларида ўз она тили ҳамда СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланиш ҳуқуқи камситилишига йўл қўйилмайди.

5-модда. СССР халқлари тилларининг кафолатлари

ССР Иттифоқи, иттифоқдош, автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар, миллий маъмурий-территориал бирликлар ўз территорияларида СССР халқлари тилларини ҳар томонлама ривожлантириш учун моддий асос ва бошқа шарт-шароитларни яратадилар, бу тилларни ўрганишни рағбатлантирадилар. Шу мақсадда СССР халқлари тилларини ривожлантиришнинг ана шу тилларда ўқитишни ва бу тилларни ўрганишни, педагог кадрлар тайёрлашни, адабиёт, фан ва санъатни, телевидение ва радиоэшиттиришни, китоблар, газеталар ва журналларни СССР халқлари тилларида чиқаришни, луғатлар, маълумотномалар, ўқув ва ўқув-методик адабиётлар ҳамда тилларни ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирларни амалга оширишни таъминлайдиган умумиттифоқ, республика ва маҳаллий программалар қабул қилинади. Бунинг учун миллий маданият марказларидан, миллий жамиятлардан, юртдошлар уюшмаларидан, она тили ҳамда СССРнинг бошқа халқлари тилларини ўргатиш, ўрганиш ва ташвиқ қилишнинг мактабдан ташқари шаклларидан ҳам фойдаланилади.

СССР халқлари тилларини ривожлантириш программалари тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланади.

СССРдаги кам сонли халқларнинг тилларини ривожлантириш программалари марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан ҳам пул билан таъминланиши мумкин.

СССР халқлари тилларини ривожлантириш программаларини амалга ошириш учун ихтиёрийлик асосида миллий маданият марказлари, миллий жамиятлар, юртдошлар уюшмалари маблағлари ҳамда гражданларнинг шахсий маблағлари қўшимча равишда жалб этилиши мумкин.

II. ГРАЖДАНЛАРНИНГ СССР ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИ

6-модда. Тарбия ва таълим бериш тилини эркин танлаш

СССР гражданларининг тарбия ва таълим бериш тилини эркин танлаб олишларига кафолат берилади. Совет давлати муайян жойда гуж бўлиб яшайдиган миллатларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, СССР халқлари тилларида тарбия ва таълим бериладиган мактабгача ва ўрта умумий таълим муассасаларини барпо этишни, ўқув юртларида гражданлар ўз она тилларида таълим олишлари учун турли синфлар, гуруҳлар, бўлимлар ва бошқа шаклларни ташкил

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

5 май куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Унда республика Олий Советининг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисида» 1990 йил 31 мартда қабул қилган қарори қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Олий Совет Раиси М. И. Иброҳимов бошқарган мажлисда мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш депутатлар ишчи гуруҳининг вакиллари, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари А. Н. Носиров, К. Ҳ. Баҳриев ахборот бердилар.

Олий Совет раҳбарияти, Олий Советнинг доимий комиссиялари, СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳи бу қарорнинг амалга оширилишини тезлаштириш чораларини кўрганликлари таъкидлаб ўтилди. СССР Олий Совети мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитетининг раиси В. Л. Лапигин, ёшлар ишлари комитетининг раиси В. И. Цибух, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Белоусов, СССР мудофаа министри Д. Т. Язов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. М. Зюкин ва бошқа раҳбарларнинг зътибори республика йигитларини ҳарбий хизматга тайёрлашни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини ташкил этишни яхшилаш юзасидан қарорда ўртага қўйилган масалаларнинг муҳимлиги ва кечиктириб бўлмаслигига қаратилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари, Ёшлар ишлари, Миллатлараро муносабатлар масалалари, Тил ва байналмилал тарбия доимий комиссияларига СССР Олий Советининг тегишли комитетлари ва комиссиялари билан, министрликлар, идоралар ва ташкилотлар билан мустаҳкам алоқада бўлиш, юқорида номи келтирилган қарорнинг барча бандлари тўла бажарилишига эришиш топширилди.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Бахромовга чақирилиш ёшига етмаган ва чақириладиган йигитларни тиббий кўрикдан ўтказиш қандай йўлга қўйилганлигини чуқур текшириш, 15 ёшли ва ундан катта йигитлар ўз вақтида ва сифатли диспансеризациядан ўтишини таъминлаш, уларнинг орасида даволаш-соғломлаштириш ишларини яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш топширилди. Бемор йигитларни ва касаллик туфайли зайфлашиб қолган йигитларни армияга чақириш практикасига чек қўйилсин. Армияга чақиришни кечиктириш асослаб берилиши учун ва Совет Армияси сафларига чақирилувчиларни танлаш сифати учун врачларнинг масъулияти ҳар томонлама оширилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика йигитларини ҳарбий хизматга тайёрлаш давлат программасини ишлаб чиқишни уч ой муддат ичида тугалласин, 1990 йилда армияга чақирилувчиларни танлаб олиш сифати учун чақириқ комиссиялари масъулиятини ошириш юзасидан узил-кесил чоралар кўрсин.

(Давоми иккинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

СССР ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

этишни таъминлайди. Оталар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болалар учун тарбия ва таълим тегишли тилда олиб бориладиган мактабгача муассасаларни ва ўрта умумий таълим муассасаларини танлашга ҳақлидирлар.

7-модда. СССР халқлари тилларини ўрганиш

Совет давлати СССР гражданларининг ўз она тилларини ва СССРнинг бошқа халқлари тилларини ўрганишлари учун шароит яратиб беради.

Таълим ўзга тилда олиб бориладиган ўқув юртларида мажбурий фан сифатида СССР расмий тили СССР территориясида миллатлараро алоқа эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли бўлган ҳажмда ўқитилишига кафолат берилади. Иттифоқдош, автоном республика тилини ўрганиш ушбу қонун 2-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ тегишли иттифоқдош ва автоном республика томонидан белгилаб берилади.

Иттифоқдош, автоном республика территориясида вақтинча яшаётган мактаб ўқувчилари республика тилини ўрганишдан озод қилинишлари мумкин. Бундай озод қилиш тартибини тегишли иттифоқдош, автоном республика белгилаб беради.

8-модда. Тил билишлари ёки билмасликларидан қатъи назар гражданларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолати

СССР гражданлари меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида тегишли лавозимларни эгаллаш учун СССР халқлари тилларини билиш умумиттифоқ ва республика қонунларида малака талаби сифатида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, СССР халқлари тилларини билиши ёки билмаслигига қараб, ҳуқуқларни ҳар қандай йўл билан бевосита ёки билвосита чеклаб қўйишга ёхуд бевосита ёки билвосита афзалликлар беришга йўл қўйилмайди ва бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

9-модда. Гражданларнинг давлат ва жамоат идораларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш тили

СССР гражданлари давлат ва жамоат идораларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ўз она тилида ёки ўзи биладиган ҳар қандай СССР халқлари тилида таклифлар, аризалар ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Гражданларнинг ССР Иттифоқи давлат идораларига юборилган таклифлари, аризалари ва шикоятларига жавоблар, шунингдек давлат идораларига таклифлар, аризалар ёки шикоятлар юборилган иттифоқдош, автоном республикалар, автоном округлар, миллий, маъмурий-территориал бирликларидан ташқарида яшовчи гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларига жавоблар қайси тилда мурожаат қилинган бўлса, худди шу тилда қайтарилади. Мурожаат тилида жавоб қилиш имкони бўлмаган тақдирда СССРнинг расмий тилида жавоб қилинади.

Ушбу модданинг 2-қисмида кўзда тутилганидан бошқа ҳолларда гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларига жавоб бериш тили тегишли иттифоқдош, автоном республика томонидан белгилаб қўйилади.

10-модда. Судловда ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўриб чиқишда СССР халқлари тилларидан фойдаланиш

Судлов иттифоқдош, автоном республика, автоном область, автоном округ тилида ёки мазкур жойда яшовчи аҳоли кўпчилигининг тилида олиб борилади.

СССР Олий судида ва ҳарбий трибуналларда судлов СССРнинг расмий тилида олиб борилади.

Ишда қатнашаётган, судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иш материаллари билан тўла танишиш, таржимон орқали судлов ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда ўз она тилида гапириш ҳуқуқи таъминланади.

Суд ҳужжатлари ишда қатнашаётган шахсларга судлов тилида, шунингдек уларнинг талабига мувофиқ судлов ҳаракатларида улар иштирок этган тилда ёки СССРнинг расмий тилида топширилади.

Судлов тили қоидаларининг бузилиши суд қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ўз она тилида гапиришга ҳамда иш кўриб чиқилаётган тилни билмаса, таржимон хизматидан фойдаланишга ҳақлидир.

11-модда. Нотариал иш юритиш тили

Судлов тилини белгилаш қоидалари давлат нотариал идораларида ва халқ депутатлари шаҳар, посёлка, қишлоқ Советлари ижроия комитетларида нотариал иш юритиш тилига ҳам жорий этилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган киши иш юритиладиган тилни билмаса, расмийлаштирилаётган ҳужжатлар матни СССРнинг расмий тилида ҳам тузилиши лозим.

12-модда. Шахсни ёки у ҳақдаги маълумотларни тасдиқловчи расмий ҳужжатлар тили

Шахсни ёки у ҳақдаги маълумотларни тасдиқловчи расмий ҳужжатлар (паспортлар, меҳнат дафтарчалари, ҳарбий билетлар, ўқув юртларини тугатганлик ҳақидаги шаҳодатномалар, дипломлар, туғилганлик, никоҳ, ўлим ҳақидаги гувоҳномалар) территориясида ана шу ҳужжатлар берилаётган иттифоқдош, автоном республикалар, автоном округлар ва шу ҳужжатлар берилаётган иттифоқдош, автоном республикалар, автоном округлар тилида ҳамда СССРнинг расмий тилида тузилади.

13-модда. Хизмат кўрсатиш соҳасида СССР халқлари тилларидан фойдаланиш

Хизмат кўрсатиш соҳаси (савдо, тиббий ёрдам, маҳаллий транспорт, маиший хизмат, шаҳарлараро алоқа ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари) ходимлари умумиттифоқ ва республика малака қонунларида хизмат кўрсатадиган шахс тегишли лавозимлар учун кўзда тутилган талаблар доирасида танлаган тилни қўлланишга мажбурдирлар. Агар малака талабларида тегишли лавозимларни эгаллаш учун мурожаат қилинадиган тилни билиш кўзда тутилмаган бўлса, СССРнинг расмий тили қўлланилади.

Тилни билмаслик баҳонаси билан хизмат кўрсатишдан бош тортишга йўл қўйилмайди ва бундай хатти-ҳаракат амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

III. ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДА СССР ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

14-модда. ССР Иттифоқи давлат идораларида иш тили

ССР Иттифоқи давлат идораларида иш СССРнинг расмий тилида олиб борилади.

СССР халқ депутатлари съездларининг мажлисларида, СССР Олий Советининг сессияларида СССР расмий тилини билмайдиган СССР халқ депутатларига СССР халқларининг ўзга тилида сўзлаш ҳуқуқи берилади. Уларнинг нутқини СССРнинг расмий тилига таржима қилиш таъминланади.

СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети унинг палаталари кўриб чиқиши учун тақдим этиладиган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари СССР халқ депутатларининг талабига мувофиқ уларга тегишли иттифоқдош, автоном республика тилига таржима қилиб берилади.

15-модда. ССР Иттифоқи қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган тил

СССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети, унинг палаталари, СССР Президенти қабул қилган бошқа ҳужжатлар СССРнинг расмий тилида ва иттифоқдош республикалар тилида эълон қилинади.

СССР Олий Совети Раисининг СССР Олий Советини чақириш тўғрисидаги қарори СССРнинг расмий тилида ва иттифоқдош республикаларнинг тилларида эълон қилинади.

СССР Қонунлари ҳамда ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида санаб ўтилган бошқа ҳужжатларнинг СССР расмий тилида ва иттифоқдош республикалар тилида эълон қилинган матнлари расмий тусда бўлиб, бир хил ҳуқуқий кучга эгадир.

16-модда. Иттифоқдош, автоном республикаларнинг қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган тил

Иттифоқдош, автоном республика давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳужжатлари расмий нашрларда эълон қилинадиган тил шу республика томонидан унда яшовчи халқларнинг манфаатларини албатта ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бундай ҳужжатлар республикаларнинг расмий нашрларида СССРнинг расмий тилида ҳам эълон қилинади.

17-модда. Сайловолди йиғилишлари ҳамда СССР Президенти, СССР халқ депутатлари сайловлари тўғрисидаги ҳужжатлар тили

СССР Президенти, СССР халқ депутатлари сайловларига тайёргарлик ва уни ўтказиш чоғида иттифоқдош, автоном республика, автоном область, автоном округ тилидан, ушбу жойда яшовчи аҳоли кўпчилигининг тилидан ва СССРнинг расмий тилидан фойдаланилади.

Сайлов тўғрисидаги ҳужжатлар марказий сайлов комиссиясига СССРнинг расмий тилида тақдим этилади.

СССР Президенти, СССР халқ депутатлари сайловларига доир сайлов бюллетенлари сайлов округи аҳолисининг тилида босиб чиқарилади.

18-модда. Иш юритиш, ҳужжатлар, ахборот

Иттифоқдош республикаларнинг иттифоқ-республика идораларида, шунингдек Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда иш юритиш ва ҳужжатлар тегишли иттифоқдош республика тилида ва СССРнинг расмий тилида олиб борилади.

Иттифоқдош, автоном республикаларнинг давлат идоралари (иттифоқдош республикаларнинг иттифоқ-республика идораларидан ташқари), шунингдек республикага ва маҳаллий идораларга бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун иш юритиш ва ҳужжатлар тили она тилидан ва СССР халқлари тилидан фойдаланишда гражданларнинг ҳуқуқларини камситмаслик принципига риоя қилган ҳолда иттифоқдош, автоном республика кўрсатиб берадиган тартибда белгиланади.

Иттифоқдош, автоном республикаларда корхона, муассаса, ташкилот номи ёзилган бланкалар, муҳрлар, штамплар, штемпеллар, лавҳалар матни тегишли иттифоқдош, автоном республикаларнинг тилларида ва СССРнинг расмий тилида тайёрланади.

Иттифоқдош, автоном республикаларда аҳоли пунктлари, кўчалар, майдонлар номи, йўл белгилари тегишли иттифоқдош, автоном республикаларнинг тилларида ва СССРнинг расмий тилида ёзиб қўйилади.

19-модда. Иттифоқдош ва автоном республикаларда бошқа тилларда гаплашувчи аҳоли ғуж бўлиб яшайдиган жойларда тиллардан фойдаланиш

Иттифоқдош, автоном республикалардаги ўзга тилда гаплашувчи аҳоли ғуж бўлиб яшайдиган жойларда давлат идоралари фаолиятида, иш юритишда, ҳужжатларни расмийлаштиришда иттифоқдош, автоном республика тили билан бир қаторда ушбу жойдаги кўпчилик аҳолининг тилидан фойдаланилиши мумкин. Бундай фойдаланиш тартибини иттифоқдош, автоном республика ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ белгилаб беради.

20-модда. Расмий ёзишмалар

Иттифоқдош, автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар, миллий маъмурий-территориал бирликлар билан ССР Иттифоқи давлат органлари ўртасидаги расмий ёзишмалар ҳамда ўзаро расмий муносабатларнинг бошқа шакллари СССРнинг расмий тилида олиб борилади.

Иттифоқдош, автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар, миллий маъмурий-территориал бирликлар билан давлат идоралари ўртасидаги расмий ёзишмалар ҳамда ўзаро расмий муносабатнинг бошқа шакллари иккала томон учун мақбул тилда ёки СССРнинг расмий тилида олиб борилади.

21-модда. Иттифоқ аҳамиятига молик энергетика ва транспорт системаларида фойдаланиладиган тил

Иттифоқ аҳамиятига молик энергетика ва транспорт системалари (магистрал темир йўл, ҳаво, денгиз ва қувур транспорти)нинг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаш мақсадида диспетчерлик алоқаларида, ҳужжатларни юритишда СССРнинг расмий тилидан фойдаланилади.

22-модда. СССР Қуролли Кучларида фойдаланиладиган тил

СССР Қуролли Кучларида, СССР ички ва чегара қўшинларида, СССР темир йўл қўшинларида СССРнинг расмий тилидан фойдаланилади. Уларда ижтимоий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишлар ҳарбий хизматчиларнинг миллий состави ҳисобга олиниб амалга оширилади.

23-модда. Оммавий ахборот воситалари тили

Марказий телевидение кўрсатувлари, радиоэшиттириш, шунингдек марказий газеталар ва журналлар нашр этиш СССРнинг расмий тилида амалга оширилади. Марказий телевидение ва радио СССР халқлари тилларида кўрсатув ва эшиттириш ташкил этишлари мумкин.

Иттифоқдош, автоном республикаларда телевидение ва радиоэшиттириш, газета ва журналлар тилини тегишли республикалар уларда яшовчи миллатларнинг манфаатларини албатта ҳисобга олган ҳолда ва она тили ҳамда СССР халқлари тилларидан фойдаланишда гражданларнинг ҳуқуқларини камситмаслик принципига риоя этган ҳолда белгилаб беради.

24-модда. ССР Иттифоқининг чет мамлакатлар билан муносабатларида тиллардан фойдаланиш

СССРнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналари, консуллик муассасалари, ташқи савдо ташкилотлари, ташқи иқтисодий алоқа органлари ва СССРнинг бошқа муассасалари фаолияти СССРнинг расмий тилида амалга оширилади.

СССР номидан тузиладиган шартномалар ва ўзга халқаро ҳужжатлар СССРнинг расмий тилида ва аҳдлашаётган бошқа томон (томонлар) тилида ёки томонларнинг келишувига мувофиқ ўзга тилда тузилади.

ССР Иттифоқи номидан бошқа мамлакатлар ва ташкилотлар вакиллари билан олиб бориладиган музокаралар тили халқаро битимлар ва таркиб топган амалиёт ҳисобга олиниб, томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

IV. ТИЛЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

25-модда. Тиллар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

СССРдаги ҳар қандай халқнинг тилига душманликни тарғиб этиш ва уни менсимаслик, СССРда Конституция принципларига, миллий сиёсатга зид келадиган ғовлар ва чеклашлари, шунингдек тиллардан фойдаланишда имтиёзларни вужудга келтиришга, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг тил тўғрисидаги қонунларини бошқа хил бузишларга йўл қўйилмайди ва бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

Давлат идораларининг ва мансабдор шахсларнинг СССР халқлари тилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузувчи хатти-ҳаракатлари устидан судлов тартибида ва маъмурий тартибда амалдаги қонунларга мувофиқ шикоят қилинади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 24 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Барча даражадаги чақириқ комиссиялари таркибига Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатларини қўшимча равишда киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимовга, унинг ўринбосари Б. И. Бугровга, Олий Советнинг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комиссиясининг раиси Э. Ҳ. Халиловга, ёшлар ишлари комиссиясининг раиси А. А. Аъзамхўжаевга, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комиссиясининг раиси Ҳ. М. Усмоновага, ошкоралик масалалари комиссиясининг раиси Э. Воҳидовга гражданларнинг Совет Армиясида хизмат қилиш масалаларига доир барча хатлар ва мурожаатларини қисқа муддат ичида кўриб чиқиш, республикадан чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳалокати билан боғлиқ барча фактларни пухта текшириш топширилди.

Ўзбекистондан чақирилган ва 1990 йилда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар тўғрисидаги материаллар СССР ҳарбий прокуратурасига юборилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясининг 1990 йил 31 мартдаги қарори амалга оширилишини назорат қилувчи депутатлар гуруҳи таркибига республика халқ депутатлари Ғ. З. Захриддинов, А. А. Аъзамхўжаев, Т. Ҳайдаров киритилди.

Депутатлар гуруҳига май ойининг учинчи ўн кунлигида қилинган ишлар натижалари ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ахборот бериш топширилди.

Масалани муҳокама қилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, доимий комиссияларнинг раислари Ҳ. М. Усмонова, Ғ. З. Захриддинов, Т. Ҳайдаров, М. М. Мирзиёев, П. Қ. Қодиров А. Аскаров, А. Ҳ. Тошкенбоев, Р. Ҳ. Абдуллаев, П. Қ. Ҳабибуллаев, А. Ш. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитетининг раиси Ш. З. Уразаев, республика Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, СССР халқ депутати А. С. Ефимов қатнашдилар.

Мажлисга таклиф этилган Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов, республика ҳарбий комиссарининг ўринбосари У. Ҳ. Ҳасанов, жамоатчилик вакиллари Ш. А. Исматуллаев, А. Зоҳидов ҳам сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларида

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ЯНГИ МАТНИ ВА МУСИҚАСИНИ ЯРАТИШ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН КОНКУРС

Ўзбекистон ССР Олий Советининг маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш ҳамда миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комиссиялари ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорига биноан Ўзбекистон ССР Давлат мадҳиясининг янги матни ва мусиқасини яратиш учун конкурс ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Комиссиялар конкурс ўтказишнинг қуйидаги шартларини тасдиқладилар:

Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси халқимизнинг руҳига мос келадиган, кенг омма орасида фахрланиб ва севиб айтиладиган ёрқин санъат асари бўлмоғи керак. Бу асар ўзбек халқининг асрлар давомида яратган маънавий қадриятларини, қардош эллар оиласида эришган зафарларини, тарихий курашлар давомида тобланган иродасини, одамларимизнинг бой ички дунёсини, қувончлари ва дардларини, ёруғ истиқболга, эркка ва мустақилликка бўлган ишонч ва интилишларини тараннум этиши лозим.

Мадҳия мусиқаси халқимиз яратган энг яхши классик ва замонавий миллий мусиқа санъатининг юксак намунаси бўлмоғи керак.

Мадҳия матни ва мусиқаси конкурсга яширин имзо билан юборилади.

Конкурсда барча ижодкорлар қатнашишлари мумкин. Конкурс муддати мадҳия матни учун шу йилнинг 10 июнигача ва мусиқаси учун шу йилнинг 10 сентябригача.

Мадҳиянинг матни ва мусиқаси Ўзбекистон ССР Олий Советининг маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш ҳамда миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комиссияларининг қўшма мажлисида кўриб чиқилади. Танлаб олинган мадҳиянинг шеърий матни ва мусиқаси умумхалқ муҳокамасидан ўтгандан сўнг, Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясига тақдим этилади. Ғолиб деб топилган мадҳия муаллифларига мадҳия шеърий матни ва мусиқаси учун 7500 сўмдан мукофот берилади.

Мадҳиянинг конкурсга юбориладиган шеърий матни ва мусиқаси қуйидаги адресга: Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5, «Ўзбекистон ССР Олий Совети жумҳурият Давлат мадҳияси бўйича конкурсга» деб жўнатилади.

Уруш ветеранлари билан учрашув

Ғалаба куни — бизнинг умумий байрамимиз бўлиб, у ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди, чунки Совет Иттифоқида Улуғ Ватан уруши даҳл қилмаган бирорта оилани топиш қийин.

4 май куни Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи Ҳарбий Кенгашининг аъзолари Ўзбекистон ва Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистоннинг Совет Иттифоқи Қаҳрамонларини, Шуҳрат ордени нишондорларини, уруш ветеранларини Тошкентдаги Офицерлар уйига таклиф этдилар. Уларни байрам билан табриклаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаш учунгина эмас, балки ҳозирги Куролли Кучларда Қизил Армиянинг энг яхши анъаналарини сақлаб қолиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида уларнинг фикрини билиш учун таклиф этдилар. Ҳарбий Кенгаш аъзолари бўлган ёш генералларимиз Улуғ Ватан уруши йилларида ёш бола бўлганлар ёки Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари Г. Г. Кондратьев сингари Ғалаба йилида туғилганлар. Шунинг учун улар ўзларининг жанговар тажрибасини бажонидил ўртоқлашган ветеранлар маслаҳатларини тинглашдан мамнун бўлдилар.

Бугунги кунда биз ғоят мураккаб шароитда ишлашимиз ва хизмат қилишимизга тўғри келаётганлиги учун ҳам бу учрашув айниқса зарурдир, — деди суҳбатни бошлар экан Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко. — Армияга ташқаридан эмас, балки ўз мамлакатимиз ичкарисидан ҳужум қилинмоқда. Совет Куролли Кучлари унинг бутун тарихи, қудрати ва шуҳратини таъминлаган барча нарсаларни қоралашга уринаётган кимсалар бор. Афсуски, бундай кишилар округимиз ҳудудида ҳам топилади Қўшинларда камчиликлар бор, албатта. Бутун офицерлар корпуси ва барча сиёсий ходимлар ана шу камчиликларни тезроқ бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар. Буни мамлакат қудрати ва уни мустаҳкам ҳимоя қилиш тўғрисида эмас, балки ўзларининг шахсий нафсонияти тўғрисида, осон йўл билан шуҳрат қозониш тўғрисида ўйлаётган кимсаларгина сезмаслиги мумкин.

Қўмондон ҳозирги пайтда округ қўшинлари қандай ишларни амалга ошираётганлиги, солдатлар, сержантлар, офицерлар ва генераллар қандай ўқув ва жанговар вазифаларни ҳал этаётганликлари тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Техника мураккаблашиб, тактика мунтазам такомиллаштирилмоқда ва 18 ёшли йигитларга мана шуларнинг ҳаммасини икки йил ичида ўргатиш лозим.

Бундай амалий, ошкора кайтият бутун суҳбатни аниқ мақсадга йўналтирди. Ветеранлар фронт эсдаликларини сўзлаб берибгина қолмай, улар ҳарбий қисмларга борган вақтда дуч келган тартибсизликлар тўғрисида ҳарбийларга хос жўшқинлик ва дадиллик билан гапирдилар.

Улар савол берибгина қолмай, шу заҳотиёқ ҳали куч-қудратга эгамиз, бизларни қўшинларга тез-тез таклиф этинглар, деган таклифни ўртага қўйдилар. «Бир йилда бир марта» клублардаги тантаналиг учрашувларга эмас, балки полигонларга, танкодромларга, солдатлар чойхоналарига таклиф этинглар, биз у ерда солдатлар билан қалбдан суҳбатлашиш учун вақт топамиз, дедилар.

Ҳарбий кенгашнинг одатдан ташқари ана шу мажлисида самимий, ошкора, принципиал ва ҳамма учун фойдали суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат охирида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва учала Шуҳрат ордени нишондорларининг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон гражданларига, ёшларга, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг жангчиларига мурожаатномаси қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советининг қарори

«СССР ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССР халқлари тиллари тўғрисида»ги СССР Қонуни 1990 йилнинг 1 июлидан кучга киритилсин, Қонуннинг ушбу қарор билан кучга киритишнинг бошқа муддатлари белгиланган моддалари бундан мустаснодир.

2. Қонун қоидаларини давлат ва жамият турмушининг барча соҳаларига астасекин жорий этиш мақсадида қуйидаги муддатлар белгилансин:

12-модда, 18-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари йил давомида жорий этилади ва 1991 йилнинг 1 июлидан кучга киради;

18-модданинг биринчи қисми 6 йил давомида жорий этилади ва 1996 йилнинг 1 июлидан кучга киради.

13-модда лавозимни эгаллаш учун СССРнинг расмий тилини ва тегишли миллий тилларни билиш талаб этиладиган, шунингдек эгаллаш учун малака талаблари қўйиладиган лавозимларнинг рўйхати тасдиқланган вақтдан бошлаб 5 йил давомида кучга киради.

Агар иттифоқдош, автоном республикаларда ўтиш даврида ушбу моддада белгиланган муддатга нисбатан узоқроқ муддат белгиланган бўлса, унда иттифоқдош, автоном республикалар қонунида кўзда тутилган муддатлар амал қилади.

3. СССР Министрлар Советига ўз ваколати доирасида лавозимни эгаллаш учун СССРнинг расмий тилини ва тегишли миллий тилларни билиш талаб этиладиган, шунингдек эгаллаш учун малака талаблари қўйиладиган лавозимларнинг рўйхатини 1991 йилнинг 1 январигача ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилсин.

Иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советларига иттифоқдош, автоном республикалар ваколати доирасида лавозимни эгаллаш учун СССРнинг расмий тилини ҳамда тегишли миллий тилларни билиш талаб этиладиган, шунингдек эгаллаш учун малака талаблари қўйиладиган лавозимлар рўйхатидан иборат ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таъминлаш тавсия этилсин.

4. СССР Министрлар Совети 1990 йилнинг 1 июлига қадар:

СССР Олий Советига ССР Иттифоқ қонун ҳужжатларини «СССР халқлари тиллари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин;

СССР ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари юқорида қайд этилган Қонун билан мувофиқлаштирилсин;

СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид келадиган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқсинлар ва бекор қилсинлар.

5. Иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Советларига иттифоқдош, автоном республикаларнинг қонунларини «СССР халқлари тиллари тўғрисида»ги СССР Қонуни билан мувофиқлаштириш тавсия этилсин.

СССР Олий Советининг Раиси А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 24 апрель.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

ҚОНУНИ

СССРнинг БЎЙДОҚ, ЁЛҒИЗ ВА ОИЛАСИ КИЧИК ГРАЖДАНЛАРИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Асосий иш (хизмат ёки ўқиш) жойидан ойига 100 сўмдан ошмайдиган иш ҳақи ҳамда бошқа турдаги пул мукофоти ва тўловлар оладиган ишчи ва хизматчилардан ҳамда даромад солиғи солишда уларга тенглаштирилган гражданлардан СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик гражданларига солинадиган солиқни ундириш 1990 йил 1 июлидан эътиборан бекор қилинсин.

2-модда. Асосий иш (хизмат ёки ўқиш) жойидан ойига 101 сўмдан 150 сўмгача иш ҳақи ҳамда бошқа турдаги пул мукофоти ва тўловлар оладиган ишчи ва хизматчилардан ҳамда даромад солиғи солишда уларга тенглаштирилган гражданлардан СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик гражданларига солинадиган солиқ миқдорларида белгилансин:

Ойлик даромад миқдори	солиқ миқдори
101 сўм	0 сўм 18 тийин
102 сўм	0 сўм 36 тийин
103 сўм	0 сўм 54 тийин
104 сўм	0 сўм 72 тийин
105 сўм	0 сўм 90 тийин
106 сўм	1 сўм 08 тийин
107 сўм	1 сўм 26 тийин
108 сўм	1 сўм 44 тийин
109 сўм	1 сўм 62 тийин
110 сўм	1 сўм 80 тийин
111 сўм	1 сўм 98 тийин
112 сўм	2 сўм 16 тийин
113 сўм	2 сўм 34 тийин
114 сўм	2 сўм 52 тийин
115 сўм	2 сўм 70 тийин
116 сўм	2 сўм 88 тийин
117 сўм	3 сўм 06 тийин
118 сўм	3 сўм 24 тийин
119 сўм	3 сўм 42 тийин
120 сўм	3 сўм 60 тийин
121 сўм	3 сўм 78 тийин
122 сўм	3 сўм 96 тийин
123 сўм	4 сўм 14 тийин
124 сўм	4 сўм 32 тийин
125 сўм	4 сўм 50 тийин
126 сўм	4 сўм 68 тийин
127 сўм	4 сўм 86 тийин
128 сўм	5 сўм 04 тийин
129 сўм	5 сўм 22 тийин
130 сўм	5 сўм 40 тийин
131 сўм	5 сўм 58 тийин
132 сўм	5 сўм 76 тийин
133 сўм	5 сўм 94 тийин
134 сўм	6 сўм 12 тийин
135 сўм	6 сўм 30 тийин
136 сўм	6 сўм 48 тийин
137 сўм	6 сўм 66 тийин
138 сўм	6 сўм 84 тийин
139 сўм	7 сўм 02 тийин
140 сўм	7 сўм 20 тийин
141 сўм	7 сўм 38 тийин
142 сўм	7 сўм 56 тийин
143 сўм	7 сўм 74 тийин
144 сўм	7 сўм 92 тийин
145 сўм	8 сўм 10 тийин
146 сўм	8 сўм 28 тийин
147 сўм	8 сўм 46 тийин
148 сўм	8 сўм 64 тийин
149 сўм	8 сўм 82 тийин
150 сўм	9 сўм 00 тийин

3-модда. Никоҳда турган ва болалари бўлмаган аёллардан СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик гражданларига солинадиган солиқ ундириш 1991 йил 1 январидан эътиборан бекор қилинсин.

4-модда. Никоҳда турган ва болалари бўлмаган эркаклардан СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик гражданларига солинадиган солиқ ундириш 1992 йил 1 январидан эътиборан бекор қилинсин.

5-модда. СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик гражданларига солиқ солиш 1993 йил 1 январидан эътиборан бекор қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 23 апрель.

СССР Олий Советининг

ҚАРОРИ

«СССРНИНГ БЎЙДОҚ, ЁЛҒИЗ ВА ОИЛАСИ КИЧИК ГРАЖДАНЛАРИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

«СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик гражданларига солинадиган солиқни босқичма-босқич бекор қилиш тўғрисида»ги СССР Қонуни 1990 йил 1 июлдан кучга киритилсин.

СССР Олий Советининг Раиси А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 23 апрель.

Эртага—Радио куни, барча алоқа тармоқлари ходимлари байрами

Яқинда Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони билан мусиқа, театр ва кино санъатини, миллий хореография ва қўшиқчилик ижодиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Наврўз байрамини ва ушбу байрамга бағишланган узлуксиз телекўрсатувни тайёрлашда ҳамда уни ўтказишда фидокорона меҳнат қилган кишилардан бир гуруҳига фахрий унвонлар берилди. Бир қатор ўртоқлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотландилар. Улар орасида Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг сиз суратда кўриб турган ходимлари ҳам бор.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

«РАДИО— УМРИМНИНГ БИР БЎЛАГИ»

Жумҳурият радиоси диктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қодир ТОЖИЕВ** билан мухбиримиз мулоқоти.

— Қодир ака, мен Сизнинг тақдирингизни жумҳурият радиоси тақдири билан муштарак деб тушунаман. Қоларса, гарчи баландпарвоз туюлса-да, бир тингловчи сифатида Сизни радионинг тимсоли деб биламан.

— Бироз оширдингиз шекилли, ука. Лекин тақдирим хусусида тўғри гапирдингиз. Улуғ Ватан уруши оловида жароҳатланиб қайтдим. Асли касбим ўқитувчилик эди. Жароҳатим оғирлиги, соғлигимнинг ёмонлиги туфайли бирмунча вақт ишламай юрдим. Сўнг 1947 йилга келиб институтда бирга ўқиган дўстим Бурхон Зияевни учратиб қолдим. У радиода диктор бўлиб ишлар экан. Мени ёнига таклиф этди. Шундай қилиб, мана қирқ уч йилдан ошдики, бутун тақдирим, ҳаётим, умримнинг бир бўлаги радио билан боғлиқ. Мен усиз ўзимни тасаввур этолмайман.

Дастлаб иш бошлаган пайтларимда машҳур диктор Туйғуной Юнусхўжаева менга устозлик қилдилар. Касб маҳоратларини ўргатдилар. У пайтларда ишлаш ҳозиргига нисбатан анча ибтидоийроқ эди. Техника йўқ, бутун эшиттиришлар, қўшиқлар ва текстлар тўғридан-тўғри фазога таралар эди.

— Менимча, эшиттиришнинг таъсири биринчи навбатда дикторнинг маҳоратига, овозининг матн мазмуни билан ўйғунлигига боғлиқ. Шундай эмасми?

— Албатта, бир кунда бир неча мавзуда бир неча шаклда эшиттиришлар берилади. Биз биринчи навбатда дикторларнинг маҳоратини, услубларини, қайси мавзу ёки жанрга мойиллигини ҳисобга оламиз.

Яна бир нарса. Одатда радио дикторларини тингловчилар кўришмайди. Лекин йиллар давомида унинг овози тингловчилар қулоғига ўрнашиб қоладими, дейман, кўчакуйда гап-сўзларимиздан таниб олишади. Шунда касбимдан қувониб кетаман.

— Юқорида услуб, овоз хусусида гап бошладингиз...

— Ҳа, услуб ҳар бир дикторнинг ўзига хослиги, табиат берган имкон. Мен шундай тушунаман. Ҳозир ёшларга мураббийлик қиламан. Неъматжон Эгамбердиев, Тўҳфахон Аҳмедова, Абдулла Матназаров, Гулсара Иброҳимова, Салима Расулова ва Шоира Мусаева сингари издошларим бор. Уларнинг барчаси олий ва биринчи категорияли дикторлар.

Мен шогирдларимга адабий-бадиий эшиттиришми, ёшлар мавзуидаги романтик эшиттиришларми ёки иқтисодиётга боғлиқ матнларми —шуларга қараб ҳар бирига ўз имкониятини ҳисобга олиб ўқишини тавсия қиламан. Биргаликда эринмай ишлайман. Сиёсий-ижтимоий мавзудаги матнларни ўқиш билан бадиий ўқиш орасидаги фарқни ҳамма билса керак. Демак, диктор услуби бу унинг фазилати, маҳоратининг белгиси.

— Мана 70 ёш арафасида эксансиз. Жумҳурият радиосининг ташкил этилганига ҳам 60 йилдан ошди. Ана шу улуғ даргоҳнинг эътиборли кишиси сифатида унинг 100 йиллигини қандай тасаввур қиласиз?

— Мен ишга янги келган пайтимдаги ҳам моддий, ҳам иқтисодий ва техникавий аҳволни гапирдим. Бугунги ривожланган фан-техника шароитида радиоэшиттиришлар ҳар томонлама ривожланганлигига гувоҳсиз. Бироқ ҳозир ҳам техник жиҳатдан анча орқадамиз. Радионинг 100 йиллиги нишонланадиган пайтларда моддий-техника томонидан анча юксалишга эришилади, деб ўйлайман. Бироқ битта нарса ўзгармас бўлиб қолаверади. У ҳам бўлса, радионинг жамиятда тутган ўрни. Ташкил бўлган пайтларда у ўша давр сиёсатининг жарчиси эди. Ҳозир қайта қуриш жарчиси. Келажакда эса ўша — ўз даври сиёсатининг биринчи жарчиси бўлиб қолаверади. Бунга ишончим комил.

— Сизнинг овозингизни баъзан кино ва телефильмларда эшитиб қоламиз.

— 50-йилларда СССР халқ артисти Малик Қаюмов билан ҳамкорликни бошладим. Мана шу йиллар мобайнида 3 мингдан ортиқ фильмларга овоз бердим. Жуда кўп телефильмларда иштирок этдим. Кинодаги хизматларим учун «СССР кинематографияси аълочиси» бўлдим.

— Фронтдан нималарни эслайсиз?

— Асосан урушда Калинин йўналишида жанг қилдим. Ржев шаҳри учун курашларда иштирок этдим. 1942 йили сентябрда яраландим. Волга бўйидаги жангларда иштирок этдим. Биринчи даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени ва бир қатор медаллар билан тақдирландим.

— Бир табаррук отахон сифатида ёшларга тилакларингиз?

— Ёшлар меҳнатсевар бўлишсин. Касбга муҳаббат қўйсин. Сидқидилдан, чин юракдан ишлайдиган бўлишсин. Ишнинг яхши-ёмони бўлмайди. Одамнинг яхши-ёмони бўлади. Лекин катталар ҳам ўзларини қўлга олишсин. Ҳозирги айрим катта ёшдагиларнинг, баъзи мансабдорларнинг ёшларга муносабатини ёқтирмайман. Ёшларга йўл очиб бермаган раҳбарни мен адолатли раҳбар деёлмайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Сизни қўшалоқ байрам — радио ва алоқа ходимлари куни ҳамда Ғалаба айёми билан муборакбод этамиз.

Виждонан айтганда...

Ҳали ёдимда, бундан бир неча йил аввал, қайта қуриш эндигина авж олаётган кезларда Хоразм вилояти телевидение ва ридиоэшиттириш комитети бошланғич партия ташкилотининг очиқ йиғилиши бўлиб ўтди. Коммунистлар, партиясиз ходимлар телевидение ва радио коллективлари олдида турган вазифалар билан бирга тўпланиб қолган, ечимини кутаётган муаммоларни қай тарзда ҳал этиш хусусидаги масалаларни янги талаблар мезони билан муҳокама қилдилар. Қабул қилинган қарорнинг нусхалари вилоят партия комитети, жумҳурият телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети диққат-эътиборига ҳавола қилинди.

Партия бюроси комитет, телевидение ва радио маркази раҳбарияти таркибида фаолият кўрсатаётган коммунистлар орқали қарорнинг ижросини изчил назорат қилиб борди. Область партия комитети бюроси ҳам телевидение ва радиоэшиттириш комитети иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, амалий тадбирлар белгилади. Натижада телевидение ва радионинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор ишлар қилинди. Чунончи, янги кўчма телевидение станцияси келтирилди. Янги радио уйи қурилиши бошланди. Шартнома асосида вилоятимиздаги учта пахта тозалаш заводи ўз жорий ҳисобидаги валютаси ҳисобидан чет элдан телерадиоаппаратлар сотиб олишга рухсат берди.

Зеро, қайта қуриш шарофати билан Хоразм вилояти телевидениеси ва радиосида даврга ҳамоҳанг равишда ижобий силжишлар, ўзгаришлар рўй берянти. Айниқса, Хоразм ойнаижаҳони орқали телетомошабинлар билан тўғридан-тўғри мулоқот кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Унда вилоят партия комитетининг бюро аъзолари, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари иштирок этиб, меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтаришди. Телерадио журналистларининг ойнаижаҳон томошабинлари ва радио тингловчилар билан жойларда бўлиб ўтган учрашувларида ҳам мулоқот давом эттирилди. Уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар, ўринли талаблар, эътирозлар ижодий коллективларимиз фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Шу таклифлар асосида қўшни, қардош Туркманистон ССРнинг Тошҳовуз, РСФСРнинг Чита вилоятларидан туркум кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланди. Яқиндагина бир группа ижодий ходимлар Белоруссия сафаридан қайтиб келиб, у ерда йигитлик бурчини ўтаётган хоразмлик ёшларнинг жанговар ҳаётини акс эттирувчи кўрсатувни эфирга чиқарди. Янги ташкил этилган реклама хизмати комитетга анча даромад келтиряпти. Шу йилнинг биринчи кварталида янги хизмат туфайли 15 минг сўм фойда олинди. Бу эса коллектив аъзоларининг моддий манфаатдорлигини маълум даражада оширишда қўл келмоқда.

Иқтисодий танглик, ижтимоий кескинлик ҳукм сураётган ҳозирги мураккаб жараёнда хоразмлик телевидение ва радио журналистлари ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш, рўй бераётган янгиланиш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш борасида ўз бурчини яхши англаб, масъулиятни чуқур ҳис этишяпти. Бироқ бу ишнинг муваффақияти қатор муаммоларнинг амалий ҳал этилишига ҳам боғлиқ.

Вилоят телевидение ва радиоэшиттириш комитети коллективи бир неча йилдан буён... ётоқхонага мўлжаллаб қурилган, ноқулай бинода ишлаяпти. Ўнлаб ижодий ходим ҳозиржавоб фаолият кўрсатиши лозим бўлган бу бинода бор-йўғи биттагина телефон ишлаяпти, холос. Транспорт соҳасидаги ишлар ҳам оқсаяпти.

Хоразм телевидениеси кўрсатувини шу теграда яшовчи 1,5 миллиондан кўпроқ аҳоли томоша қилади, радиосини шунча киши тинглайди. Афсуски, область телевидениеси кўрсатувлари жумҳурият ойнаижаҳони кўрсатувлари оралиғида «туйнук» топиб эфирга чиқарилади. Бундан нафақат Хоразмда, балки қўшни Туркманистон ССРнинг Тошҳовуз вилояти, Қорақалпоғистон Автоном жумҳуриятининг областимизга ёндош қатор районларида яшовчи телетомошабинлари ҳақли равишда ранжияптилар...

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси кўрсатувларидан воҳада истиқомат қилувчиларнинг кўпчилиги баҳраманд бўлолмаяптилар. Чунки, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Урганчдаги телекўрсатувларни, радиоэшиттиришларни узатиш станциясидаги аппаратларнинг қуввати паст. Овоз ёзиш учун магнит лентали етишмайди. Айрим асбоб-ускуналар эскириб қолган. Бу эса кўрсатувлар ва эшиттиришлар савияси ва сифатига салбий таъсир кўрсатяпти.

Энди, янги қурилаётган радио уйи ҳақида икки оғиз сўз. Биринчидан, радио уйини телемарказ қошида, шаҳарнинг саноат зонасида қуриш техник жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги ўз вақтида мутахассислар томонидан кўтариб чиқилган эди. Чунки телевидение ва радио овозлари бир-бирига ҳалақит бериши амалда исботини топган.

Бўлар иш бўлди. Кимларнингдир хоҳиши ва тазйиқи билан радио уйи телемарказ ёнида қуриляпти. Бироқ қурилиш поёнига етмасданоқ уни тезроқ ишга тушириш йўлида жиддий тўсиқлар кўндаланг бўлиб қолди. Хусусан, ҳозирданоқ баъзи ускуна ва аппаратларни монтаж қилишга киришиш лойиҳа-сметада кўзда тутилган. Аммо уларни Венгриядан келтириш керак. Ускуналар қачон келтирилади, бу — номаълум. Ҳатто кучли электр токини ўтказувчи кабеллар ҳам камёб. Натижада радио уйининг белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши хавф остида қоляпти.

Ошкоралик, демократия туфайли вужудга келаётган Бутуниттифоқ телевидение ва радио ходимлари ижодий уюшмаси бу тармоқда ишларни янада яхшилаш, соғлом ижодий муҳитни барқарор қилиш, айрим муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Биз бу ижодий уюшмани тузиш ташкилот комитетининг Москвада дастлабки анжумани бўлиб ўтганлиги ҳақидаги хабарни қувонч билан кутиб олдик. Зотан, жамиятимиз янгиланиш сари юз тутмоқда. Ана шу жараённи тўлалигича ойнаижаҳонда, ҳаво мавжларида акс эттиришда халқимиз олдида бурчлимиз.

Т. РАҲИМБОЕВ,
Хоразм область телевидение ва радиоэшиттириш комитети муҳаррири.

У биринчи ҳикоясини ёзганида ўқувчи эди. Бу, ҳикоя эмас, нақ қўшиқ эди, қўшиқ! Бўлмаса синф хонасини тамбалаб олиб у ҳикояни куйга солиб бор овози билан куйлармиди!!!

Иккинчиси, бешинчиси, ўнинчиси... Ҳамма ҳаммаси қўшиқ бўлиб дилидан қуйилган... Шундай қилиб улар тилдан тилга, дилдан дилга кўчган. Кейин унинг ҳикоялари тўплам бўлиб китобларга айланди.

Матлубахон ҳикоянавис бўлиб танилаётганда унинг иккинчи қўшиғи туғилди. У она бўлди, она! Эльмираси, Алишеру Низомжони. Уч алласи уч қўшиққа айланиб, олдингисини бутқул босиб кетди... Оналик бахти, қувончи ва ширин ташвиши олдида ҳаммаси ўтаверсин экан. Аёл оналик қувончи келтирган серташвиш кунларию уйқусиз тунлари билан чунон маст эдики... Болажонларининг биринчи қадами қўшиқ, уларнинг боғча болалари қаторига қўшилгани қўшиқ, мактаб, дорилфунунини ўтаб, камолга етгани яна бир қўшиқ...

Қўшиқ қўшиққа уланиб, бир-бирига раъно гулларидай чирмашиб ўрлагандан ўрлаб борарди.

Уни тақдир яна сийлади. У шундайин янги қўшиқ билан ошуфта бўлдики, уни энди оғиздан қўймай куйларди. Бу қўшиқнинг номи ҳаёт ишқи бўлиб, унда илк машқий ҳикояларига тўкилган эҳтиросларни жунбушга келди.

У энди уч фарзанднинг онаси ёки бир оила бекаси номидан эмас, жумҳурият оналари ва хотин-қизлари номидан сўзлай бошлади.

«Дугоналар» радиожурналининг илк эшиттиришларига у ана шундай ҳис-ҳаяжон, масъулият билан кириб келди ва бу туйғуларига ҳамон содиқ қолмоқда.

Салкам чорак асрлик ижодий фаолиятида эҳе, у кимлар ҳақида ҳикоя қилмади?!

...Юз килограмм пахта тераман деб 25 минг марта ерга эгилган, уни хирмонга олиб чиққунича қадди обкаддек букилган теримчи аёллар, қўй-қўзилар кетидан югураюгура тинка мадори қуриб, чиройини, ёшлигини тоғу адирларда қолдирган чўпон қизлари, ёз чилласида асфальт қилиб, қиш чилласида эшикдеразаси елвизак бетон уйлар деворларига қадоқ қўлларини «ху-ху»лаб пардоз бераётган қурувчи аёллар, юзлаб станокларнинг шарақа-шуруқидан қулоқлари қоматга келиб, чанг ютаётган йигирувчи аёллар. Бундай эшиттиришларни «Саодат соҳибалари» ёки «Замондош дугоналаримиз ҳиммати» деб аташга мажбур эдилар.

Журналист ҳаётга чуқурроқ кириб боргани сайин одамларга ҳиммат қилиб, саодат улашаётган бу заҳматкаш хотин-қизларнинг ўзлари эса ҳиммат ҳам, саодат ҳам бебаҳра эканликларини кўрарди. Улар фақат меҳнатга, ҳа силлани қуритадиган, аёлни уйидан, боласидан аёллик нафосатидан тобора узоқлаталаётган меҳнатга даъват этилганларини ҳис этарди. Бундай «қаҳрамонлар»ни бир жуфт калиш, бир жўра атлас билан тақдирлаб, шу руҳда ишлашга даъват этган қанча раҳбарлар билан келиша олмаган. Уларнинг номларини айтиб бўлмасди, иш услубларини эса танқид қилиш мумкин эмасди...

«Дугоналар»нинг қайта қуриш шарофати билан тайёрлаётган эшиттиришларини ҳар гал тинглаганимда хаёлимдан бир нарса йилт этиб ўтади. Саодатсиз аёлларга саодат соҳибалари тамғаси босилган яқин ўтмишнинг қанчалик алдов-қалдов экани ҳайриятки фош этилди. Ҳа, кеч бўлса ҳам фош этилди. Бу катта гап.

— Турғунлик йилларидан бизга «мерос» қолган энг даҳшатли нарса шуки, одамлар руҳиятида бир-бири тақдирига лоқайдлик, вазифасига ўта совуққонлик ва масъулиятсизлик ҳисси илдиз отиб кетган экан,— дейди Матлуба. Қайта қуриш жараёни бошланган беш йил мобайнида ҳам улардан қутила олмаяпмиз.

Редактор сўзларига мисол тариқасида тингловчилардан келган хатларни кўрсатди.

Коммунистик районидаги Кавардан қишлоғида яшовчи бир гуруҳ хотин-қизлардан келган шикоят мактуби мана нималар ҳақида экан: Қишлоғимизга газ ўтказилмаган, ичимлик сув йўқ, телефон-автомат анқонинг уруғи, йўқса дард тутган аёл йўлу чўлда кўзи ёриб, ўт тушган уйларимизнинг кули кўкка совурилмасди...

— Пойтахтимизнинг шундоқ биқинида жойлашган бу райондан шу зайлдаги шикоят хатлари кўплаб келади, — дейди Матлубахон. — Хатларни ўрганиб, шикоятлар асосида радиожурналимиз орқали уч марта танқид қилдик. Афсуски, районда аҳвол сира ўзгаргани йўқ. Районнинг бюрократ раҳбарлари шу даражага боришганки, қанча танқид қилманг чивин чаққанчалик ҳам ҳис этишмаяпти. Шу районнинг «Ўзбекистон» колхозида истиқомат қилаётган Тожихон Назарованинг шикояти бўйича хўжалик раиси Ким Сан Бингга неча бор мурожаат этдик. Ваъда қиладию, бир касалманд, болали аёлни икки йил мобайнида енгилроқ иш билан таъминлай олмайди.

—Жумҳурият ярим ой жамияти қошидаги меҳр-шавфқат бўлими ходимларига минг раҳмат, — гапида давом этди у. Аёлни бағирларига олишди. Унга моддий ёрдам кўрсатишди. Ўзига муносиб ишга жойлаштириш хусусида ҳам ғамхўрлик қилишмоқда. Бу йиғлаётган болани ўз онаси қолиб, бегона она эмизаётгандай бир гап эмасми?!

Матлубахон бир ишни бошладими, уни охирига етказмай қўймайди. Унинг бу фазилатини ҳаммадан кўра тингловчилари яхшироқ билишади. Шунданми, конверт устига «Дугоналар»га, М. Исломовага» деб ёзилган хатларнинг кети узилмайди. Бўлим ўз тингловчиларидан ойига 60—70 атрофида хат олмоқда. Йилга айлантирганингизда минг атрофида, баъзида эса мингдан ортиқ мактуб дегани. Демак, минг тақдир, минг Матлуба Исломова гоҳ дала шийпонида, гоҳ атлас тўқиш, гилам ишлаб чиқариш фирмаларида, зардўзлар даврасида, яйловлар оғушида...

Ана шундай ижодий учрашувларнинг самараси бўлган эшиттиришлари тингловчилар қалбига кириб бормоқда.

Журналист ўз ижодий фаолиятини ҳаётимизнинг долзарб нуқтаси — хотин-қизлар ва улардан сира-сира ажратиб бўлмайдиган болалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилишга бағишлаган.

Севимли маъшуқа, аёл, она! Унга озодлик бахш этдилар. У паранжи-чачвони кулини кўкка совурди. Уни эркаклар билан ёнма-ён туриб ишлашга чорладилар. Ичкаридан, паранжи балосидан қутилганига шод аёл бу чақириққа ҳам жон-жон деб пешвоз чиқди. Пешвоз чиқдию, ўзини гирдобга улоқтирди. Мана энди у кўчага чиқса эркак, уйга кирса аёл... Боғчага ҳам ўзи югуради. Сут-қатиққа ҳам ўзи навбатда туради, ота-оналар мажлисига ҳам ўзи боради... Оиланинг неки ташвиши бўлса аёлнинг елкасида. Эркак бош бўлган хонадонларни аксари ҳолларда аёллар тебратаётгани ахир сир эмас-ку! Унинг устига эрлар эришган бирон соҳа йўқки, хотин-қизлар эгалламаган бўлсин. Аёлни ичкаридан озод қилиб, у уйда бажараётган чеки-чегараси йўқ рўзғор юмушларидан қайси бирини эркаклар ўз зиммасига олди? Ниҳолдай нозик аёл елкасини босиб турган юкни енгиллатиш учун нималар қиляпмиз? Турмуш ташвишларидан қўли қадоқ, сўзи даҳал бўлиб, аёллик назокатини тобора йўқотиб бораётган аёлларга аёлликни қайтариш учун нималар керак?

Бу бир куннинг ёки бир одамнинг ташвиши, масъулияти эмас. Бу кўп йилларнинг ва ҳаммамизнинг ишимиз. Бу ҳақда ҳамма ўйласин, ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ёзиб юборсин, деймиз. Фақат «Дугоналар»га ёки «Саодат»га эмас, «Совет Ўзбекистони» газетаси ҳам кутади мактубларингизни.

Эфир тўлқинларида республика радиоси ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош редакциясининг «Дугоналар» радиожурнали... «Дугоналар» овози — бу жумҳуриятимиз хотин-қизларининг овози, бу республикада хизмат кўрсатган журналист М. Исломованинг овози. Негаки, журналнинг қарийб 30 йиллик фаолиятидаги сал кам чорак аср унинг номи билан боғлиқ.

Дугоналар, бормисиз, омонмисиз, деб бошланадиган қўшиқни Саодатхоним эмас, гўё Матлубахон куйлаётгандек. Ҳа, Матлубахон!

Қўшиқ авжга чиқди. Истагимиз шуки, қўшиғингиз сира авждан тушмасин.

Дилбар МАҲМУДОВА.

«Дугоналар», бор бўлинг, омон бўлинг...

МАТЛУБАНИНГ ҚЎШИҒИ

Суратда: «Дугоналар» радиоэшиттириши редактори Матлуба ИСЛОМОВА ва эшиттириш оператори Вазира ОБИДОВА.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

● Мамлакатимизда 176 радио уйи ва 155 та телевизион марказ мавжуд.

● Бутуниттифоқ радиоси 76 тилда, телевидение эса 46 тилда эшиттириш ва кўрсатув олиб боради.

● СССРда 518 та кучли передатчик ва 6400 та кам қувватли ретранслятор ишлаб турибди.

● Ҳозирги кунда космик орбитадан берилган маълумотлардан мамлакатимиздаги қарийб 700 та илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари фойдаланмоқда. Алоқа, метеорологик, табиатшунослик, геодезия, кемалар қатнови йўлдошлари муҳим халқ хўжалиги вазифаларини бажаришга ёрдам бермоқда.

● Совет космик об-ҳаво хизмати имкониятлари йилдан йилга ошмоқда. «Метеор» йўлдоши бир марта айланганда Ердаги барча метеорология станциялари шу вақтда олган маълумотлардан юз марта, кўп ахборот тўплайди. «Метеор» системаси ҳар йили мамлакат халқ хўжалигининг 500—700 миллион сўм маблағини тежаб қолиш имконини бермоқда.

Чақириқ қолдирилмайди

Яқинда Бош ҳарбий прокуратура коллегиясининг мажлиси бўлди. Унда «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунининг ижроси қандай назорат қилинаётганлиги хусусидаги масала кўриб чиқилди. Коллегия мажлиси бир қараганда оддий воқеага ўхшаб кўринади, лекин икки кун бўлдики, прокуратура ва ҳарбий комиссариатлар ходимларининг хоналарида телефонлар узлуксиз жиринглаб турибди.

Хўш, нима гап ўзи? «Комсомольская правда» газетаси тўртинчи май куни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув бир ой кечиктирилиши ва газета бу хабарни коллегиядан олганлигини маълум қилганди. Армияга чақирилувчилар ҳам, запасга бўшатилиши керак бўлган ёшлар ҳам хабарни эшитишлари билан телефонга югурдилар...

Бош ҳарбий прокуратурада ТАСС мухбирига хабар қилишларича, чақирув ҳам, армиядан бўшатиш ҳам одатдагидек шу йилнинг апрель-июнь ойларида, яъни СССР Министрлар Советининг 1990 йил 29 мартдаги 305-қарорида кўрсатилган муддатларда ўтказилади. Ана шу муддатга ҳеч қандай, шу жумладан вақтинчалик ўзгартишлар ҳам киритилмади.

• *Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан*

Муса Жалил сафдоши

Қарши шаҳрининг марказий Ленин кўчасидан барваста жуссали, яғриндор, буғдой ранг, кўзлари ўйчан, оқ оралаган сочлари сийраклашиб қолган нуроний шаҳдам қадам ташлаб бормоқда. Ёшу кекса унга ҳурмат билан эгилиб салом беради. У ҳам бош силкиб «минг яшанглар-минг яшанглар» дея йўлида давом этади. Ҳа, бу инсон қайноқ ҳаётнинг баланд-паст сўқмоқларини босиб ўтган катта қалб эгаси Ҳабибулло Файзуллаев.

Унинг умр дафтаридан қирчиллама йигитлик давридаги воқеалар алоҳида ўрин олган. У оташин жангчи шоир, татар халқининг асл фарзанди Муса Жалил сафдоши эканлиги билан фахрланади.

У Муса Жалил билан немис-фашистларининг Вустрау концлагерида бирга бўлган экан.

— 1941 йилнинг 22 июни ҳеч хаёлимдан нари кетмайди, — дея ўша кунларни эслайди Ҳ. Файзуллаев. — Тиш-тирноғигача қуролланган немис қўшинлари ҳам ердан, ҳам осмондан тинимсиз ҳужум қиларди. Ўзим 1939 йили Украинанинг Шепетовка шаҳрида ҳарбий тайёргарликдан ўтгандим. Биз, зенитчиларни Тернополь шаҳрига олиб келишди. Шаҳарни душман самолётлари бомбалаб ташлади. Улар бизга нисбатан кучли мудофаага эга эди.

Қўмондонлик вақтинча чекинишга буйруқ берганди. Қуршовда қолган солдатларимиз охирги ўқ қолгунча аёвсиз жанг қилдилар. Кўкрагимдан ва чап оёғимдан қаттиқ яраландим. Душманларимиз дастлаб бизни Львов шаҳридаги ҳарбий асирлар концлагерида тутқунликда сақлашганди. Энг оғир ишлар оч-яланғоч асирлар зиммасига юклатиларди. Кўплар касалликдан кўз юмди. Айримларни отиб ташлашди.

У йиллар хотирада ҳамон мангу яшайди. Ҳабибулло ака қалбида ҳам жароҳат изларини қолдирган машъум йиллар таассуротлари билан яшамоқда. Собиқ жангчи ўша машаққатли концлагердаги ҳаётини шундай эслайди:

— Берлин яқинидаги Вустрау қишлоғи. Табиатан жуда гўзал у. Аммо унинг кўркамлигини тиканли симлар билан ўралган концлагер жуда даҳшатли ва ўта ҳунук қилиб кўрсатарди. Асирлар орасида мен билан бир баракда ёнма-ён ётадиган, озғин, истараси иссиқ йигит диққатимни тортди. Танишсак, у Муса Жалил экан. Аста-секин у билан иноқлашиб, сирдош бўлиб қолдик. Унинг Ватанга чексиз муҳаббат руҳи билан ёзилган шеърлари тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчди.

Шоирнинг лагердаги фамилияси Гумеров эди. Паст бўйли, доимо бошига татарча қизил қалпоқ кийиб юрадиган Муса камгап, ҳаёл суришни яхши кўрарди. Мен унинг лабида бирон марта ҳам табассум кўрмаганман. Ўшанда Муса Жалил Татаристоннинг атоқли шоири эканини билмасак-да, унинг оддий киши эмаслигини сезардик. Ишга чиққанимизда камқувват бўлганидан у ҳаммадан ортда қоларди, кўпинча мен қўлтиғидан суяб борардим. «Иним, — дерди у менга ҳамиша, — инсон пашшадай ўлиб кетмаслиги керак, унинг ўз она тупроғи бор. Буни унутма!» Қора оқшомда унинг ҳузурига шеърият мухлислари тўпланиб бу, нимжон кишининг олдидан жанговар руҳ билан қайтардилар.

«Инсон пашшадай ўлиб кетмаслиги керак!» Бу сўзлар биз, маҳбусларнинг жанговар шиоримизга айланганди. Бу даъват бизни ҳар қандай вазиятда ҳам Ватан ва халқ учун ҳаётимизни сақлаб қолишга даъват этарди. Биз Муса Жалил билан икки ойча бирга бўлдик. Уни 1943 йил апрель ойи бошларида номаълум томонга олиб кетдилар. Ўша кезлари мен ҳам шеър машқ қилардим. Бу соҳада қаҳрамон шоирдан сабоқ олганман. Муса кўриб, таҳрир қилиб берган шеърий машқларимни ҳозир ҳам ардоқ билан сақлайман. Февраль ойида ёзилган «Душманга» шеърим Муса Жалил шеърларига ҳамоҳанг эди:

Кулма, эй, душман!
Узоқ чўзилмас
Бошимга тушган
бахтсиз кунларим.
Ҳақиқат устун
келмайин қолмас,
Кунларни кутар
менинг тунларим...

Тақдир инсонни ҳар кўйга солади. Душман айғоқчилари Муса Жалилнинг яширин фаолиятидан хабар топишади. Уни ўлим жазосига ҳукм этдилар. Лекин, жангчи шоир орзу-умидлари рўёбга чиқди. Ғолиб Совет Армияси ҳарбий асирлар қаторида Ҳабибуллони ҳам тутқунликдан халос этди.

Мана, ўша воқеалардан буён кўп йиллар ўтди. Аммо Ҳабибулло Файзуллаев қуролдош дўстини ҳамиша тирик ҳисоблаб, оиласи аъзолари билан борди-келди қилишади. Шоирнинг Москва, Қозон ва Оренбург шаҳарларида яшовчи қариндош-уруғларига хат ёзиб, хат олади. Тез-тез Оренбург шаҳрига бориб, Муса Жалилнинг синглиси Ҳадича опа аҳволидан хабар олади. Москвада бўлиб, шоирнинг турмуш ўртоғи Амина опа, қизи Чўлпон билан учрашади.

Ҳадича опа ва Мусанинг қариндошлари бир неча бор Қарши шаҳрида Ҳабибулло акалар хонадонининг меҳмони бўлишди. Икки ўртадаги дўстлик авлоддан-авлодга мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳабибулло ака узоқ йиллардан бери бир соҳада ҳалол меҳнат қилиб келаётир. Ҳозир у пенсияда. Етмиш баҳорни қаршилаганига қарамай, ҳамон эл хизматида. Шаҳардаги «Минг бир майда-чуйда» магазинида ишламоқда. Мунтазам равишда ўғил-қизлар, набира-чевералар, шаҳар ва қишлоқлардаги мактаб ўқувчи-ёшлари даврасида бўлиб туради. Шунда ёш авлодга қаҳрамон дўсти ҳақидаги бой хотиларини ҳаяжон билан сўзлаб беради, шоирнинг юрак қони билан битилган шеърларини жўшиб-жўшиб ўқийди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

7 МАЙ, ДУШАНБА

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильм. 18.00 «Қисқа тўлқинларда». 18.30 «Зебо» ансамбли ҳақида. 19.30 Ахборот. 19.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. 20.15 Ипакчилик. 20.30 Время. 21.00 Концерт. 21.55 Реклама. 22.00 Ахборот. 22.20 Ойнаи жаҳонда. 22.50 «Тошкент» студияси.

УзТВ-II. 18.05 Кинопрограмма. 18.55 «Доктор Вера». Бадиий фильм. 20.20 Телефильм. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 «Таъзим». 21.55 «Қандай қилиб бахтли бўлиш мумкин». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.25 Концерт. 8.55 Футбол шарҳи. 9.25 Болалар учун фильм. 10.30 Ҳужжатли фильм. 11.00 Ҳайвонот оламида. 12.00 Время. 15.15 ГДР телевиденнеси. 16.00 Халқ куйлари. 16.15 Болалар соати. 17.15 «Пульс-90». 18.00 Время. 18.30 Ҳужжатли фильм. 18.50 Футбол шарҳи. 19.20 Хроникал-ҳужжатли-публицистик фильм. 20.30 Время. 21.00 Чайковский таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.35 ва 9.35 Тарих. 9.05 Итальян тили. 10.05 Онам, дадам ва мен. 10.35 ва 11.35 Мусиқа. 11.05 Рус тили. 12.05 «Югур, сени ушлаб олишсин». Бадиий фильм. 13.25 Гимнастика. 16.30 Мусиқий абонемент. 17.45 Мультфильм. 18.00 Время. 18.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.25 Коллаж. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Бадиий гимнастика. 20.25 Микрофон олдида Юрий Левитан. Ҳужжатли фильм. 21.00 «Порт». Бадиий фильм.

8 МАЙ, СЕШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 12.05 Фильм-концерт. 12.40 «Доктор Вера». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильм. 17.50 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.20 Қадрият. 18.55 Москва. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган тантанали мажлис. 20.30 Время. 21.00 Ахборот. 21.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. 22.00 Ахборот. 22.20 «Тошкентлик суворий». Уруш ветерани Исмоил Салимов ҳақида очерк. 22.40 «Урушнинг тўртинчи йили эди». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 18.10 Техника ижодиёти мактаби. 18.50 «Совет Иттифоқи элчиси». Бадиий фильм. 20.20 Телефильм. **Душанбе.** 20.55 Москва. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган тантанали мажлис. 22.20 «СССР Олий Совети — АҚШ конгресси» телекўприги. 23.50 ТСН.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Концерт. 8.25 Ҳужжатли фильм. 8.50 Мультфильм. 9.00 Саёҳатчилар клуби. 10.00 Бу бўлган... бўлганди... 10.30 Болалар соати. 11.30 Ҳужжатли фильм. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 12.40 Хотира бурчи. 15.15 Фильм-концерт. 16.10 Мультфильм. 16.45 Дўстлар, ўртоқлар ҳақида. 17.20 Бизнинг мерос. 18.00 Время. 18.30 Москва триоси чалади. 18.55 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган тантанали мажлис. 21.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. 22.00 Ахборот. 22.20 Ғалабанинг 45 йиллигига. 22.45 «Солдат отаси». Бадиий фильм.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 9.05 ва 10.05 Француз тили. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Довул кутилмаганда бошланади». Бадиий фильм. 13.35 Радио кунига бағишланган концерт. 15.40 Ритмик гимнастика. 16.10 Қўшиқ инсон билан қолади. 17.25 Концерт. 18.00 Время. 18.30 Коллаж. 18.35 Бадиий гимнастика мусобақалари. 19.30 Хайрли, тун, кичкинтойлар! 19.45 Концерт. 20.20 Ҳужжатли фильм. 21.00 «Бормисан, марказий ҳужумчи!». Бадиий фильм.

9 МАЙ, ЧОРШАНБА

УзТВ-I. 9.00 Ҳужжатли экран. 10.00 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм, 1-серия. 11.25 Фильм-концерт. 11.50 Москва. Қизил майдон. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган парад. 13.00 «Сўнмас у кунлар шуҳрати». 13.35 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм, 2-серия. 14.50 «Ўлимларни қолдириб дорда». Жангчи адиб Вали Ғофуров ижодига бағишланади. 15.50 Мактаб ўқувчилари учун. 16.40 Мультфильм. 17.00 Футбол. «Пахтакор» — «Ростсельмаш». 18.50 Москва. Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Сукут дақиқалари. 19.05 Концерт. 19.30 Ахборот. 19.45 Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник И. В. Фуженко сўзи. 19.55 Тошкент отчопарида бадиий-спорт байрами. 20.30 Время. 21.05 «Ёшлик». 22.00 Ахборот. 22.20 «Ёшлик». 23.00 «Жаноби буюк Новгород». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Душанбе. 18.05 «Китобсеварлар». 18.50 Реклама. 18.55 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм. 20.35 Время. 21.05 «Суруди зафар». 22.00 «Ахбор». 22.30 «Ғалабанинг қирқ бешинчи баҳори».

МТ-I. 7.30 ТСН. 7.50 Мультфильм. 8.30 «Мангу-19». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.05 Қалбга яқин қўшиқлар. 11.50 Москва. Қизил майдон. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган парад. 13.00 «Ғолиблар». 14.15 Хотира. 14.30 «Бугун — Ғалаба байрами» СССР Мудофаа вазири Д. Т. Язов сўзи. 14.50 Мусиқий программа. 16.00 Фильм-спектакль. 18.25 Жанговар кунлар ёдимда... 18.50 Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Сукут дақиқалари. 19.05 «Ғалабанинг гулгун шароби». Бадиий фильм. 20.35 Время. 21.05 Май юлдузлари. 23.05 Ҳужжатли фильм.

МТ-II. 7.30 Гимнастика. 7.45 Киноконцерт. 8.45 Фильм-спектакль. 10.10 Мультфильмлар. 10.55 Киноконцерт. 11.50 Москва. Қизил майдон. 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба байрамига бағишланган парад. 13.00 «Хотира қўшиқлари, зафар қўшиқлари». 14.10 «Буюк матонат». Бадиий фильм, 1-серия. 15.15 Мультфильм. 15.25 «Буюк матонат». Бадиий фильм, 2-серия. 16.30 Мультфильм. 16.50 «Тонгдаги шудринг ҳам...». Бадиий фильм. 18.00 Киноконцерт. 18.50 Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Сукут дақиқалари. 19.10 Ҳужжатли фильм. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Эркин кураш, Европа чемпионати. 20.35 Время. 21.05 Тинчлик велопойгаси. 21.25 «Концерт — фронтга». 22.25 «Нотаниш қўшиқ». Бадиий фильм. 23.55 «Вальс». Бадиий фильм.

10 МАЙ, ПАЙШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Жамиятшунослик. 12.00 Телефильм. 12.30 Зулфия ижоди. 13.00 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильм. 17.50 Оғаҳий номли Хоразм мусиқий театри артисти Одамбой Бобожонов. 18.45 Концерт. 19.30 Ахборот. 19.50 Алифбо сабоқлари. 20.25 Реклама. 20.30 Время. 21.00 Ички ишлар вазирлиги хабар беради. 21.10 Зоҳиджон Обидов. 21.20 Концерт. 22.00 Ахборот. 22.20 Бўстон.

УзТВ-II. 18.05 Халқ истеъмоли моллари. 18.35 «Футболдан оғиз очманг». Бадиий фильм. 19.45 «Тошкент» студияси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Янгичасига хўжалик юритиш. 21.30 Концерт. 22.00 Ахбор. 22.20 Кинокомедия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.35 Концерт. 9.30 «Ғалабанинг гулгун шароби». Бадиий фильм. 10.55 «Стоп—кадр». 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.15 Илмий хабарнома. 16.00 Чехословакия: таниш ва нотаниш. 17.00 Болалар соати. 18.00 Время. 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Инсон ва қонун. 20.30 Время. 21.00 Нодепломатик суҳбатлар. 21.20 Мусиқа. 23.20 «Мезон». 23.40 ТСН.

МТ-II. 8.15 Киножурнал. 8.35 ва 9.35 Адабиёт. 9.05 ва 10.05 Испан тили. 10.35 ва 11.35 Биология. 11.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 12.05 «Бормисан, марказий ҳужумчи». Бадиий фильм. 13.35 Ритмик гимнастика. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 Время. 18.30 Городки спорти. 19.15 Мультфильм. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Атлетизм. 20.20 Коллаж. 20.25 Яна цирк маликаси. 21.00 «Кундузги юлдузлар». Бадиий фильм. 22.50 Тинчлик велопойгаси.

11 МАЙ, ЖУМА

УзТВ-I. 11.30 Чехов ҳикоялари. 12.00 Кинофильм. 12.30 Зоология. 13.00 «Футболдан оғиз очманг». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Ўқитувчи экрани. 18.10 Мультфильм. 18.20 Қишлоқ хўжалигида ҳисоблаш техникаси. 18.50 Тилга эътибор. 19.30 Ахборот. 19.45 Партия ҳаракат дастури лойиҳаси. 20.30 Время. 21.00 Насиба Абдуллаева куйлайди. 21.55 Реклама. 22.00 Ахборот. 22.20 Одобнома. 22.35 Кино, кино.

УзТВ-II. 18.05 Осиё гўзали конкурси. 18.45 Кино журнал. 19.05 «Тошкент» студияси. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 Телевидение ва томошабин. 21.30 «Далил». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.20 Рақс ансамбли концерти. 9.00 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 9.45 Инсон ва қонун. 11.00 Болалар соати. 12.00 Время. 15.15 «Қўрқув ва таъналарсиз». Бадиий фильм. 16.00 Концерт. 17.15 Ислоҳот жамғармаси. 18.00 Время. 18.30 Мультфильм. 18.40 Буюк Британия телевиденнесининг тўртинчи канали. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 ...Бу бўлган, бўлганди... 21.30 Нигоҳ. 23.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.10 Киножурнал. 8.35 ва 9.35 Тарих. 9.05 ва 10.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 География. 11.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 12.05 «Кундузги юлдузлар». Бадиий фильм. 16.30 Фрунзе шаҳридан кўрсатув. 16.55 Мультфильм. 17.10 Ригадан кўрсатилади. 18.00 Время. 18.30 Майдон. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Тинчлик велопойгаси. 20.05 Спорт ҳамма учун. 20.20 Ҳужжатли фильм. 21.00 Футбол. «Спартак» — «Динамо». 22.50 «Петербурглик инкогнито». Бадиий фильм.

12 МАЙ, ШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Шаҳризоданинг сўнгги кечаси». Бадиий фильм. 11.30 Офат ва нажот. 12.10 Дўстлик кўзгусида. 13.10 Фаровонлик йўлида. 13.50 Қорақўлчилик. 18.05 Қўғирчоқ фильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Кино кўрсатув. 20.30 Время. 21.00 Оқшом эртаклари. 21.15 Бобурнинг дилрабо ғазаллари. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 Бобурнинг дилрабо ғазаллари. 23.15 «Кўринмас одам» Бадиий фильм.

УзТВ-II. Фрунзе. 16.05 Мультфильм. 16.25 Реклама. 16.35 Фильм-концерт. 17.05 «Мен — терговчи». Бадиий фильм. 18.30 Эл чигирмачилиги. 19.00 Мезгил. 19.30 Ҳуқуқий канал. 20.30 Время. 21.00 Шеърият кечаси. 21.50 «Бастилия». Спектакль.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Онам, дадам ва мен». 8.30 Чашмалар. 9.00 Йил фасллари. 10.00 «Бурда моден». 10.30 Тижорат хабарномаси. 11.00 Шеърият. 11.15 «Қўзғолончилик тарихи». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.40 Мўъжизасиз мўъжизалар. 14.40 «Йўлингга қайрилиб боқ». Бадиий фильм. 16.25 Советлар: ҳокимиятга эришилмоқда. 16.55 Объектив. 17.30 Халқаро панорама. 18.15 Мультфильм. 18.30 Ижодий кеча. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Фильм-спектакль. 22.50 Концерт. 00.30 ТСН.

МТ-II. 7.30 Тонгги концерт. 7.45 Фильм-концерт. 8.25 «Сатурнга йўл». Бадиий фильм. 9.45 «Пи» белгиси билан. 13.00 Ҳамдўстлик видеоканали. 16.30 Совет Россияси видеоканали. 19.00 Рус тили. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 СССР Олий Совети сессияси. 20.30 Время. 21.00 Футбол: ЦСКА — «Динамо» (М).

13 МАЙ, ЯКШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Компьютер сабоқлари. 10.25 Спорт программаси. 11.45 «Ана, Бунбу келди». Бадиий фильм. 13.00 Яшил чироқ. 14.00 Алифбо сабоқлари. 14.35 Концерт. 15.15 Ойтуғ тўқимачилари. 18.00 Қўғирчоқ фильм. 18.10 Қўшиғим, жон қўшиғим. 18.50 Кино жавонидан. 19.30 Ахборот. 19.50 Турфа ҳангомалар. 20.30 Время. 21.00 «Камолот» фестивали. 21.10 Мультфильм. 21.20 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахборот. 22.20 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Сапеда. 10.05 Реклама. 10.15 Китобчанинг виторинаси. 10.45 Ленинград булбулчалари. 11.30 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм, 2-серия. 18.05 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм. 19.20 Мультфильм. 19.55 Ҳужжатли фильм. 20.05 Ҳаёлбек Додхудоев суҳбати. 20.30 Время. 21.00 Бухоро аҳолисининг урф-одатлари. 22.00 Ҳафта. 22.30 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 «Қўзғолончилик тарихи». Бадиий фильм, 3 ва 4-серия. 14.15 Здоровье. 15.00 СССР — ГФР: ҳамкорлик. 16.00 Қишлоқ янгиликлари. 17.00 Марафон—15. 18.30 Мультфильм. 18.40 «Омадли». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.00 Абадият ҳақида ўйлар. 21.15 «Империя». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 22.55 Франция телевиденнеси.

МТ-II. 7.30 Зарядкага сафланинг. 7.45 Ҳужжатли фильмлар. 8.15 «Сатурннинг тугатилиши». Бадиий фильм. 9.50 Концерт. 10.20 Коллаж. 10.30 Телевизион бадиий фильм. 11.05 Ҳужжатли фильм. 11.35 Концерт. 13.25 Ҳужжатли фильм. 14.00 Совет Россияси видеоканали. 16.30 Халқаро программа. 17.30 «Ҳеч бир шовшувсиз». Бадиий фильм. 18.10 Концерт. 19.00 Тикланиш. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!. 19.45 Волейбол. Жаҳон биринчилиги. 20.30 Время. 21.00 Концерт.

АХБОРОТ

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Улуғ Ватан уруши йиллари барча фронт штабларида миллий тилларда газета-журналлар, рисолалар нашр этилган эди.

Ўзбек тилида ўнта фронт газетаси, Қизил Армиянинг бош сиёсий бошқармасида «Агитатор блокноти» журнали, қатор рисолалар ва тўпламлар чиқиб турган. Фронт матбуотида Ўзбекистоннинг таниқли журналистлари, ёзувчилар қалам тебратган эдилар. Яқинда Тошкент вилоятининг Янгийўл район, Ниёзбоши қишлоғидаги Ойбек номли ўрта мактабда фронтчи-журналистлар билан учрашув бўлди. Учрашувда ўзбек фронт матбуотининг ташкилотчиларидан Мумтоз Муҳамедов, Назармат Эгамназаров, Илёс Муслимов қатнашиб, ўз хотираларини ёшлар билан баҳам кўрдилар. Жангчи журналистларнинг ҳикоялари учрашув қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

Т. РУСТАМОВ.

ТОМОШАБИНЛАР МАМНУН

Андижон вилоятининг Бўз районида меҳнаткашларга намунали маданий хизмат кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор қилинмоқда.

Етти колхоз, бир совхоз, бир завод меҳнаткашларига қишки ва ёзги кинотеатр, киноклублар, 12 та кўчма киноустановкалар ёрдамида томошалар кўрсатиляпти. Илмий-оммабоп, ҳужжатли ва бадиий фильмларни алоҳида рўйхат бўйича қишлоқ аҳлига тартиб билан кўрсатиш йўлга қўйилган.

Район кинолаштириш идораси жамоаси байналмилал ҳисобланади. Бу ерда туркман, татар, рус, ўзбек, тожик миллатига мансуб киночилар бир оила аъзоларидек меҳнат қилишмоқда. Бу жамоа ибратли меҳнати учун вилоят кинолаштириш бошқармасининг кўчма вимпели билан тақдирланган.

Ш. ҲОШИМОВ.

ЯНГИ РЎЗНОМА

Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институти муаллимлари ва талабалари Матбуот куни арафасида янги — «Ўқитувчи» рўзномасининг биринчи сонини қўлларига олишга муяссар бўлдилар.

Рўзнома Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ушбу кўп нусхали газетани чиқариш ҳақидаги қарори билан очилади. Унинг биринчи саҳифасида институт ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Н. Тўраевнинг қутлов мақоласи берилган. Ички саҳифалардан табрик телеграммалари, институт ҳаётига оид бир қатор мақолалар ўрин олган. Сўнгги саҳифада муаллимлар ва талабалар ижодидан намуналар бор.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СОБИҚ ЖАНГЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкентдаги Улуғ Ватан уруши ногиронлари шифохонасида даволаниш ва дам олиш учун барча шароитлар яратилган. Ҳар ойда 520 кишига хизмат кўрсатилмоқда. Шифохона 9 бўлимдан иборат. Кейинги ўн йил мобайнида бу ерда минглаб собиқ жангчилар саломатлигини мустаҳкамлашди.

Суратларда: шифохонанинг дам олиш хоналаридан бирида. Ўнгдаги суратда эса шифокорлар Ф. Мусаева (ўнгдан) билан А. Батталова лабораторияда.

Суратқаш А. ГОРОКРИК. (ЎзТАГ).

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

Лондон—Тошкент—Пекин

• *Хайрли сафар*

● **БУГУН жаҳон сайёҳларидан иборат автомобиллар карвони Тошкентдан Қозоғистон орқали Хитой Халқ Жумҳуриятининг пойтахти Пекинга жўнаб кетади.**

Мамлакатлар бўйлаб ўтказилаётган бу катта сафарни Англиядаги «Вояж Жюль Верн» халқаро туризм фирмаси уюштирган. Сафар қатнашчилари Европа қитъаси мамлакатларини кезиб, Истамбул орқали Совет Иттифоқига ўтишди. Улар Сарпи, Батуми, Цхалтуба, Тбилиси, Шеки, Боку, Шемаха шаҳарларидан кейин Каспий денгизи орқали Красноводск, Ашхобод, Мари, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд ва ниҳоят Тошкентга етиб келдилар. Саёҳат қатнашчиларидан бири америкалик архитектор, пенсионер **Жеймс Мор** билан суҳбатлашдик:

— Биз Америка ва европаликлар бир-биримизнинг юртларимизни яхши ўрганганмиз. Мамлакатингиздаги қайта қуриш Совет Иттифоқи ва Хитой Жумҳуриятини яқиндан ўрганишга имкон беради. Сафаримиз иқтисодий, маданий ва дўстлик алоқаларини кучайтиришда яхши кўприк бўлиб хизмат қилади.

— Саёҳатни уюштирган туризм фирмаси қандай имкониятларга эга?

— Англиядаги бу корхона ана шу сафарнинг ташкилотчи ҳомийси. У ўзига яраша бадастир. Совет Болалар фондига сафар харажатидан 1 миллион валюта ўтказмоқда. Бу ҳайриядир. Англия Бош министри Маргарет Тэтчер сафар халқлар ўртасида яхшиликка хизмат қилсин, деб оқ йўл тилади.

— Карвон қатнашчилари қайси мамлакатлардан?

— Улар АҚШ, Англия, Япония, Австрия, Франция, ҒФР ва Совет Иттифоқи кишиларидир. Саёҳатчилар 150 киши бўлиб, 70 хил маркадаги турли машиналарга ўтиришган. Умумий масофа 9 минг милья бўлиб, биз унинг ярмидан кўпроғини босиб ўтдик. Карвонда ҳозирги замон техникасининг барча қулай воситалари ҳам бор.

— Узбекистон йўлларида нималар манзур бўлди?

— Йўл азобини меҳмондўстлик енгди, деса бўлади. Европада эса бунинг акси. Мен архитектор бўлганим учун ҳам Самарқанд мени лол қолдирди. Уни кўриш орзуим эди. Обидалар тенгсиз архитектура намунаси.

СССР чет эл туризмининг Тошкент бўлими бошлиғи муовини Зоҳир РАЖАБОВ:

— «Вояж Жюль Верн» сайёҳлари Узбекистонга тез-тез келиб туришади. Унинг Буюк ипак йўли бўйлаб ўтказаётган сафари қатнашчиларини яхши кутиб олдик. Улар Тошкентни зиёрат қилдилар. Навоий театрида «Дон Кихот» асарини кўрдилар. Карвон машиналарига 2500 литр бензин қуйдик. Бундай катта карвон Совет Иттифоқидан биринчи марта ўтиши.

А. ПЎЛАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХИТОЙ ОЛИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Озиқ-овқат ва ўсимлик чиқиндиларидан тўйинган ем тайёрлаш, еса бўладиган қўзиқоринлар етиштиришнинг, сабзавот ва меваларни сақлашнинг биотехнологияларини ишлаб чиқиш — Ўзбекистон ва Хитой микробиологлари 6 йил давомида биргаликда ҳал этишни режалаштирган муаммоларнинг бир қисмидир, холос. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология институти билан Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг Синьцзян тупроқшунослик ва қум саҳролари биология институтининг олимлари Тошкентда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим туздилар.

Олимлар бу йилги аниқ вазифаларни белгилаб олишди. Улар Хитой Халқ Республикасида ўсадиган ва юксак ҳосилдорлиги билан ажралиб турадиган еса бўладиган қалпоқчали қўзиқоринларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганадилар, уларни Ўзбекистон шароитига мослаштирадилар. Хитой мутахассислари Тошкентга бундай қўзиқоринларнинг баъзи хилларини олиб келишади ва уни тадқиқ этиш билан шуғулланишади. Институтнинг ўқув хўжалигида шу мақсад учун махсус цех тайёрлаб қўйилди.

Биологик жиҳатдан тўйинган озуқа тайёрлашнинг янги технологияларини яратиш — биргаликда амалга оширладиган ишларнинг кейинги йўналишидир. Ўзбек олимлари Ўрумчига борадилар, у ерда ўз технологияларини синовдан ўтказадилар. Шундан кейин ушбу технология хўжаликларда шартномавий асосда фойдаланиш учун Хитой томонига берилади.

Микробиология институтида биргаликда куч-ғайрат сарфлаб фото ва электрон микроскопик ишлар учун лаборатория яратиш ҳам режалаштирилган. Лабораторияни Хитой мутахассислари жиҳозлашга киришдилар. Улар ускуналарнинг ярим нархини тўлайдилар, тошкентлик микробиологлар эса ўз тўловларининг бир қисмини илмий маҳсулот ишлаб чиқариш билан қоплайдилар.

Микробиология институти Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Синьцзян—Уйғур автоном райони олимлари билан ҳамкорлик қила бошлади. Республика Фанлар академияси билан ХХР Фанлар академиясининг Синьцзян бўлими ўтган йилнинг охирида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида имзолаган шартнома бунинг учун имконият яратди. Шартномада икки мамлакат физиклари, биологлари ва химикларининг биргаликда ишлашлари назарда тутилган. Улар Орол денгизи, Зарафшон дарёси, шунингдек Синьцзян—Уйғур автоном районидан оқиб ўтадиган дарёларнинг ҳавзаларидаги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш муаммоларини тадқиқ қилдадилар.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 01287. № 104. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12